

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”  
Тармоқ маркази директори  
\_\_\_\_\_ Н.А.Муслимов  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2015 йил**

**“ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА”**

**МОДУЛИДАН**

# **ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТУЗУВЧИ: п.ф.н., доц. Б.Х.Ходжаев**

**ТОШКЕНТ – 2015**

## МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ .....	3
МАЪРУЗУЛАР МАТНИ.....	12
1 МАВЗУ. ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ .....	12
2 МАВЗУ. ПЕДАГОГИК ОДОБ. ПЕДАГОГНИНГ МУОМАЛА ОДОБИ .....	21
3-МАВЗУ. ТАКТ ВА ПЕДАГОГИКА ТАКТ.....	27
4-МАВЗУ. ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА.....	41
5-МАВЗУ. НУТҚ ТЕХНИКАСИ.....	52
6-МАВЗУ. ЎҚИТУВЧИ МЕҲНАТИНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ. ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ЎЗ УСТИДА ИШЛАШ. ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАНИ ТЎПЛАШ.....	64
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ .....	73

# ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

## Кириш

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини “Юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга” йўналтирилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур талаб олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассис кадрлар шахсини касбий, маданий ва ижтимоий жиҳатдан яхлит тарзда шакллантиришни шарт қилиб қўяди.

Мутахассис шахсини яхлит тарзда шакллантиришга қўйиладиган талаблар айниқса, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида долзарб аҳамият касб этади. Негаки, ўқитувчи жамиятда ҳамма вақт ўзига хос ижтимоий, маданий, маънавий-ахлоқий ва касбий мақом эгаси сифатида гавдаланади.

Республикамызда замонавий мутахассисларни тайёрлашдаги асосий тамойиллар сифатида таълимни инсонпарварлаштириш ва ижтимоийлаштириш; уларнинг асоси сифатида эса миллий ва умуминсоний маданий қадриятлар аниқ белгилаб олинган. Шу билан бирга, бугунги кунда кадрларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган яхлит таълим жараёни “таълимнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда” амалга оширилиши лозим.

Маълумки, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласи ҳам умумий шахсининг ривожланиши муаммоси сингари қарама-қаршилиқлар жараёни ва натижасидир. Чунки педагогнинг касбий ривожланиши кўплаб ички, ўзаро таъсир этувчи маҳсулдор сабаблар(омиллар)ни тақозо этади. Педагогик адабиётларда ўқитувчининг касбий ва ижтимоий мослашувига таъсир этувчи маҳсулдор сабаблар (омиллар) умумлаштирилиб педагогик маданият номи билан қайд этилади. Бошқа тушунчалар сингари педагогик маданиятнинг ҳам бир неча хил таърифлари мавжуд. Бироқ барча таърифларда педагогик маданият тушунчаси уч илмий жиҳатдан, яъни аксиологик, фаолият ва шахсга йўналтирилганлик нуқтаи назаридан талқин этилиши яққол кўзга ташланади. Аксиологик ёндашувга кўра, педагогик маданият – тарбия ҳақидаги фан сифатида педагогика таянадиган педагогик қадриятлар мажмуидир. Ушбу қадриятлар моддий ва маънавий шаклларда мавжуд бўлади. Шахсга йўналтирилган ёндашув нуқтаи назарига кўра, педагогик маданият – бу педагогик фаолиятдаги тарбиявий муносабатларни амалга оширувчи субъект сифатида касбий етук педагог шахсининг муҳим сифати. Фаолиятли ёндашувга кўра, педагогик маданият – бу педагогик қадриятларнинг тадбик этилишини таъминловчи, ўқитувчи касбий фаолиятининг ўзига хос усуллари мажмуидир.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Педагогик маданият ва техника” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларини педагогик маданият ва техникага доир билимларини такомиллаштириш, педагогик техникани қўллашга доир замонавий ёндашувларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Педагогик маданият ва техника” модулининг вазифалари:

- педагогик маданиятни ривожлантириш йўлларини аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг ўқитувчи фаолиятида педагогик маданият ва техниканинг тутган ўрни ва мазмун-моҳиятига доир билимларини такомиллаштириш;
- тингловчиларнинг педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти, талабалар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга кириша олиш методикасини тўлиқ ўзлаштиришларига эришиш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Педагогик маданият ва техника” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- педагогик маданият ва унинг таркибий қисмлари;
- педагогик одоб ва педагогнинг муомала одоби;
- педагогик такт ва тактика;
- педагогик техника ва унинг таркибий қисмлари;
- нутқ техникаси ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

**Тингловчи:**

- касбий фаолиятда педагогик кадрлардан фойдаланиш;
- педагогик тактикани тўғри танлай олиш;
- педагогик низоларни бартараф этиш;
- аудиторияни бошқара олиш, диққатни тўғри тақсимлаш, нафас олиш ва овоз тембрини мослаш;

- педагогик артистизмга доир **кўникмаларни эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш;
- илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш;
- педагогик низоларни бартараф этиш;
- ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш **малакаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- педагогик фаолиятнинг қайта тушунилиши ва мустақил такомиллаштирилишини таъминловчи мустақил таҳлилни эгаллаш (рефлексив);

- мустақил таълим ва ўз касбий-методик даражани ошириб бориш (когнитив);
- конструктив равишда ҳаракат қилишга имкон берадиган ахборотни олиш, қайта ишлаш ва татбиқ қилиш, технологик қарорлар, тамойил ва ёндашишлар тизимини лойиҳалаштириш (ахборот);
- касбий фаолият самарадорлигини таъминловчи оғзаки ва ёзма мулоқот технологияларини эгаллаш (коммуникатив) **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Педагогик маданият ва техника” модулини ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотлар жараёнида кейс, лойиҳа ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Педагогик маданият ва техника” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ўқув модулининг “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” ва “Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар” субмодуллари ҳамда “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” ўқув модули билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	
1.	Педагогик маданият ва унинг асосий таркибий қисмлари	2	2	2	-	-
2.	Педагогик одоб. Педагогнинг муомала одоби	2	2	2	-	-
3.	Такт ва педагогик такт	10	10	2	8	-
4.	Педагогик техника	10	10	4	6	-
5.	Нутқ техникаси	10	10	4	6	-
6.	Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш. Илғор педагогик тажрибани тўплаш.	10	6	2	4	4
	Жами:	44	40	16	24	4

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### Педагогик маданият ва унинг асосий таркибий қисмлари

Педагогик маданият тушунчаси. Педагогик маданиятнинг таркибий қисмлари. Педагогик маданият тизимида педагогик кадрларнинг ўрни.

#### Педагогик одоб. Педагогнинг муомала одоби

“Педагогик одоб” тушунчаси. Педагогик одобнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Педагогнинг муомала одобининг тузилиши ва ўзига хосликлари.

#### Такт ва педагогик такт

“Такт” ва “педагогик такт” тушунчаси. Педагогик тактни қўллаш шартлари. Педагогик низо ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Педагогик низоларнинг олдини олиш йўллари.

#### Педагогик техника

Педагогик техника ҳақида тушунча. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари. Ўқитувчининг педагогик техникасини шакллантириш йўллари.

## **Нутқ техникаси**

Нутқ ҳақида тушунча. Нутқнинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни. Нутқ техникаси: нафас олиш, товуш, дикция, ритмика. Ўқитувчининг нутқ малакасини шакллантириш йўллари.

## **Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш. Илғор педагогик тажрибани тўплаш**

Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этишнинг моҳияти. Ўқитувчининг кун тартиби ва иш ўрни. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш тамойиллари. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишнинг асосий йўналишлари. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш педагогик маҳоратнинг асосий шарти сифатида. Илғор педагогик тажрибани ўрганишда материаллар тўплаш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **Ўқитувчи фаолиятида педагогик такт**

Педагогик такт билан боғлиқ вазиятларни таҳлил этиш. Микроўқитиш: Талабаларнинг назорат ишлари ва бошқа турдаги ёзма ишларини таҳлил этишда баҳо мотивацияси. “Педагогик вазиятлар конкурси” ролли ўйини. Педагогнинг касбий ривожланиш акмеограммаси устида ишлаш.

### **Дикқатни тўғри тақсимлаш ва кузатувчанлик**

Педагогик дикқатнинг моҳияти ва мақсадга мувофиқлигини англаб олишга доир машқлар. Ўқитувчи дикқатининг индивидуаллигини аниқлашга доир машқлар. Дикқатни ривожлантиришга доир машқлар. Касбий дикқат ва кузатувчанликни ўзлаштиришга доир машқлар.

### **Касбий-педагогик хаёлот**

Педагогик хаёлотнинг моҳияти ва мақсадга мувофиқлигини англаб олишга доир машқлар. Ўқитувчининг касбий хаёлотининг индивидуал ўзига хосликларини аниқлашга доир машқлар. Касбий-педагогик хаёлотни ривожлантиришга доир машқлар.

### **Ўқитувчининг ишонтиришга асосланган таъсир кўрсатиш маҳорати**

Ишонтиришга асосланган таъсир кўрсатишни таҳлил этишга доир малакаларни ривожлантиришга доир топшириқлар. Қайта тарбиялашга йўналтирилган ишонтиришга асосланган таъсир кўрсатишни таҳлил этиш ва ташкил этиш малакаларини ривожлантиришга доир топшириқлар. Микроўқитиш: Ишонтириш малакаларини ривожлантириш. Ўқитувчиларнинг нутқларидан парчалар тинглаш.

### **Педагогик мулоқот. Педагогик таъсир кўрсатиш усуллари**

Педагогик мулоқотни таҳлил этиш малакаларини ривожлантиришга доир машқлар: касбий-педагогик мулоқот функциялари ва услубларини

таҳлил этиш; педагогик таъсир кўрсатиш усуллари таҳлил этиш. “Нуктаи назар” ролли ўйини.

### **Педагогик фаолиятда актёрлик ва режиссёрлик маҳорати**

Жамоавий ижодий фаолият малакаларини ривожлантиришга доир машқлар. Идрок этиш ва кузатувчанлик, дадиллик ва самимийликни ривожлантиришга доир машқлар. Микроўқитиш: Инсоннинг психологик ҳолатини кузатиш ва идрок этиш малакаларини ривожлантириш.

### **Ўз-ўзини йўналтириш техникасига асосланган ўқитувчининг ўзини-ўзи бошқариш маҳорати**

Тингловчиларни ўз кайфиятини бошқариш методлари ва техникалари билан таништириш. Мускуллар толиқишининг олдини олиш, релаксация ҳолатида ўз-ўзини ишонтиришга доир машқлар. Кичик гуруҳларда ўз-ўзини ишонтириш дастури (ўқув лойиҳаси)ни тузиш.

### **Ўқитувчининг ташқи кўриниши маданияти**

Қоматни тик тутиш, гавда ҳолатини тутиш ва тўғри қадам ташлашни назорат қилиш ҳамда коррекциялашга доир машқлар. Микроўқитиш: Ўқув-тарбия жараёнига доир вазиятларда ташқи кўринишни намоён қилиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

### **Ўқитувчининг мимик ва пантомимик маҳорати**

Мулоқотнинг новербал воситалари ёрдамида ўз муносабатини педагогик мақсадга мувофиқ ифода этиш малакаларини ривожлантиришга доир машқлар. Моделлаштириш. Ички монолог.

### **Нутқ техникаси асослари: нафас олиш ва овоз.**

Фонацион нафас олишни ривожлантиришга доир машқлар. Овозни ривожлантиришга доир машқлар. Микроўқитиш.

### **Нутқ техникаси асослари: дикция**

Фонацион нафас олиш ва овозни ривожлантиришга доир машқларни такрорлаш. Дикция устида ишлаш. Микроўқитиш: “Сизга бир воқеани айтиб бераман...”.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ**

### **Илғор педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш**

Педагогик тажриба ва педагогик маҳорат. Педагогик фанлар ривожда ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларининг роли. Педагогик тажрибани ўрганиш. Педагогик тажрибани умумлаштириш.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.
17. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июнь 2015 йилдаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 фармони.

23. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.

24. Алёхина И. В. Самоменеджмент в деятельности учителя: Учебно-методическое пособие / И. В. Алёхина. – Брянск: Изд-во БГПИ, 1995.

25. Asqarova O‘., Qoraboyeva Z. Pedagogik mahorat asoslari. (Muammoli ma’ruzalar matni). Namangan: NDU, 2005.

26. Введение в педагогическую деятельность: Учебное пособие для вузов / А. С. Роботова, Т. В. Леонтьева, И. Г. Шапошникова и др., под ред. А. С. Роботовой. – М.: Академия, 2002.

27. Вершиловский С. Г. Педагог эпохи перемен, или как решаются сегодня проблемы профессиональной деятельности учителя / С. Г. Вершиловский, отв. ред. М.А. Ушакова. – М.: Сентябрь, 2002.

28. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006.

29. Исаев И. Ф. Профессионально-педагогическая культура преподавателя: Учебное пособие для вузов / И. Ф. Исаев. – М.: Академия, 2002. – 207 с.

30. Ксензова Г. Ю. Оценочная деятельность учителя: Учебно-методич. пособие / Г. Ю. Ксензова. – 2-е изд. – М.: Педагогическое общество России, 2001.

31. Колесникова И. А. Педагогическая психология: Учеб. для вузов / И. А. Колесникова, Е. В. Титова. – М.: Академия, 2005.

32. Левитан К. М. Основы педагогической деонтологии / К.М. Левитан. – М.: Наука, 1994.

33. Что должны знать учителя: Знания, умения и нравственные ценности хорошего педагога: Сб. статей / Под ред. Д. Дилла: Пер. с англ. – М.: Прогресс, 2001.

34. Щуркова Н. Е. Культура современного урока / Н.Е.Щуркова. – 2-е изд., переработ. – М.: Пед. общество России, 2000.

35. Ярмагов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.

### **Таҳлил қилиш учун адабиётлар ва мақолалар**

1. Ҳалимметова Р. Ўқитувчи касби ва шахсининг педагогик маҳорат қирралари. // Халқ таълими – Т., 2003. - №2. – Б.34-38.

2. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2009.

3. Эгамбердиева Н.М. Касбий етуклик (профессионализм) – яхлит тизим сифатида. // Педагогик таълим. – Тошкент, 2008. – №5. – Б.23-25.
4. Введенский В.Н. Педагогическая профессия как социальный институт// Педагогика. – М., 2006.- № 2. – С.59-65.
5. Вульф В.З. Учитель: профессиональная духовность // Педагогика. – Москва, 1995. - №2. – С. 48-52.
6. Рогов Е.И. Личность учителя: теория и практика. – Ростов-на-Дону.: Феникс, 1996.
7. Сериков В.В. Образование и личность. Теория и практика проектирования педагогических систем. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 90 с.
8. Сиволапов А.В. Модернизация воспитательных концепций: закономерности и противоречия// Педагогика. – 2005.- № 9. – С.57-64.
9. Соколова Э. Образование – путь к культуре мира и толерантности// Народное образование. – М., 2002.- № 2. – С.111-118.
10. Фёдорова С.Н. Профессиональная культура педагога// Педагогика. – М., 2006.- № 2. – С.65-70.
11. Nurmanov A.T. Trening mashg'uloti – talabalar ritorik kompetensuyasini shakllantirish vositasi. // J.Pedagogika. – T., 2015. - №3. – В.19-23.
12. Jabborova G.K. Akmeologik yondashuv asosida pedagog shaxsini shakllantirish. // J.Pedagogika. – T., 2015. - №3. – В.44-47.

### **Интернет маълумотлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
9. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
10. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
11. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
12. [www.grain. Ru](http://www.grain.Ru)
13. [www.plant protection.com](http://www.plant protection.com)

## МАЪРУЗУЛАР МАТНИ

### 1 МАВЗУ. ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

#### РЕЖА:

1. Педагогик маданият тушунчаси.
2. Педагогик маданиятнинг таркибий қисмлари.
3. Педагогик маданият тизимида педагогик кадриятларнинг ўрни.

**Таянч тушунчалар:** педагогика, маданият, педагогик маданият, педагогик маданиятнинг таркибий қисмлар, педагогик кадриятлар.

**1. Педагогик маданият тушунчаси.** Педагогик адабиётларда ўқитувчининг касбий ва ижтимоий мослашувига таъсир этувчи маҳсулдор сабаблар (омиллар) умумлаштирилиб педагогик маданият номи билан қайд этилади. Бошқа тушунчалар сингари педагогик маданиятнинг ҳам бир неча хил таърифлари мавжуд. Бироқ барча таърифларда педагогик маданият тушунчаси уч илмий жиҳатдан, яъни аксиологик, фаолият ва шахсга йўналтирилганлик нуқтаи назаридан талқин этилиши яққол кўзга ташланади. Аксиологик ёндашувга кўра, педагогик маданият – тарбия ҳақидаги фан сифатида педагогика таянадиган педагогик кадриятлар мажмуидир. Ушбу кадриятлар моддий ва маънавий шаклларда мавжуд бўлади. Шахсга йўналтирилган ёндашув нуқтаи назарига кўра, педагогик маданият – бу педагогик фаолиятдаги тарбиявий муносабатларни амалга оширувчи субъект сифатида касбий етук педагог шахсининг муҳим сифати. Фаолиятли ёндашувга кўра, педагогик маданият – бу педагогик кадриятларнинг тадбиқ этилишини таъминловчи, ўқитувчи касбий фаолиятининг ўзига хос усуллари мажмуидир.

Педагогик маданият – бу ўқитувчи шахсининг интегратив сифати тариқасида аниқланадиган динамик тизимли таълим бўлиб, бу сифат ўзида ижтимоий ва шахсий-касбий вазифалар, ижтимоий масъулият ва ахлоқий умуминсоний кадриятлар даражасида тараққий этишни ҳисобга олган ҳолда, педагогик кадриятларни ижодий тарзда амалга ошира олиш лаёқатини жамлаши зарур.

Педагогик маданиятнинг муфассал тавсифи Л.Д.Столяренко томонидан қуйидагича очиб берилган: “Педагогик маданият – бу умуминсоний маданиятнинг бир бўлаги бўлиб, унда энг аввало, авлодлар алмашинуви ва шахснинг ижтимоийлашуви каби тарихий жараён учун хизмат қилишда инсоният учун зарур бўлган маънавий ва моддий кадриятлар акс этган”.

Педагогик маданиятнинг энг асосий кадрияти – таълим олувчи, унинг ривожланиши, таълими, тарбияси, ижтимоий ҳимояси, унинг кадр-қиммати ва ҳуқуқларининг муҳофазасидир.

Педагогик маданиятни педагогик фаолиятни ижодий ўзлаштириш усули сифатида қараш лозим. Бугунги кун ўқитувчиси педагогик маданиятидаги яққол намуна сифатида ҳамкорлик педагогикасини келтириш мумкин.

**2. Педагогик маданиятнинг таркибий қисмлари.** Педагогик маданият – бу кадриятларнинг, педагогик фаолият усуллари ва ўқитувчи касбий хулқ-атворининг динамик тизими. Мазкур тизимнинг таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- а) педагогик позиция ва шахс сифатлари;
- б) касбий билимлар ва педагогик фикрлаш маданияти;
- в) касбий малакалар ва педагогик фаолиятнинг ижодийлиги;
- г) шахсни ўз-ўзини бошқара билиши ва педагогнинг касбий хулқ-атвори.

Педагогик маданият даражаси унинг таркибий қисмлари – педагогик нуқтаи назар, касбий билимлар ва педагогик фикрлаш, касбий малакалар, ижодий фаолият тажрибаси, шахсни ўз-ўзини бошқара билиши ва педагогнинг касбий хулқ-атворининг шаклланганлик даражаси билан ўлчанади.

Ўқитувчининг педагогик маданияти қуйидаги касбий аҳамиятли шахс сифатларининг мавжуд бўлишини тақозо этади:

- 1) шахсга йўналганлик: эътиқод, ижтимоий фаоллик, фуқаролик туйғусининг мавжудлиги;

2) касбий-ахлоқий сифатлар: инсонпарварлик, жамоавийлик, адолат, меҳрибонлик, ҳақиқатпарварлик, самимийлик, талабчанлик, болаларга нисбатан меҳр ва ҳурмат, олийжаноблилик, холислик;

3) педагогик меҳнатга муносабат: виждонлилик, жавобгарлик туйғуси, фидокорлик, берилиб ишлай олиш ва ўз педагогик фаолиятдан қониқиш хисси, уни ҳаётининг мазмунига айлантира олиш;

4) қизиқишлар ва маънавий эҳтиёжлар: билишга оид фаоллик, тафаккурнинг кенглиги ва теранлиги, эстетик маданият, қизиқишларнинг ва маънавий эҳтиёжларнинг кўпқирралилиги, ёқтирган ижодий ишнинг мавжуд бўлиши, ташқи кўриниш ва нутқ маданияти.

### **3. Педагогик маданият тизимида педагогик кадриятларнинг ўрни.**

Педагогик маданиятни шакллантириш касбий-педагогик кадриятларнинг интериоризациясида намоён бўлади.

Ўқитувчининг онгида мустаҳкамланган педагогик кадриятлар унинг шахслараро мулоқотида, ижодий фаолиятида, бола шахсининг ривожланишида, касбийҳамкорликда, маънавий кадриятлар алмашинувидаги касбий йўналишлари тизимини ҳосил қилади.

Олимлар томонидан педагогик кадриятларнинг икки жиҳати алоҳида тадқиқ этилган:

- ўқитувчига унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондиришига имкон берувчи ва ижтимоий аҳамиятли инсонпарвар мақсадларга эришишга қаратилган унинг ижтимоий ва касбий фаоллигида йўл кўрсатувчи белги бўлиб хизмат қиладиган ўзига хос жиҳатлар;

- педагогик фаолиятни тартибга солувчи меъёрлар ва таълим ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги вужудга келадиган ижтимоий дунёқараш орасида восита ва боғловчи бўғин бўлиб келувчи билиш-фаолият тизими.

Педагогик фаолиятнинг аксиологик характери унинг инсонпарварлик мазмунида акс этади. Ўз навбатида, педагогик кадриятлар – бу педагогик фаолиятнинг шундай ўзига хослигики, улар нафақат педагогик эҳтиёжларни кондиришга имкон беради, балки унинг ижтимоий ва касбий фаоллигини

мўлжалга олишга хизмат қилади. Педагогик кадриятлар ҳаётда ўз-ўзидан тасдиғини топмайди. Улар жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий алоқаларга боғлиқ. Ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, З.И.Равкин педагогик кадриятларни қуйидагича тасниф этади:

1) ижтимоий-сиёсий кадриятлар: таълимнинг ҳамма учун очиклиги ва бепуллиги, миллатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг билимолишдаги тенг ҳуқуқлилиги, талабаларни ва ота-оналарнинг таълим муассасасини танлаш эркинлиги;

2) интеллектуал кадриятлар: билишга эҳтиёж, билишга қизиқиш ва фаоллик, талабаларнинг ижодий фаолияти, фикрнинг гўзаллиги ва сўз билиш фаолияти воситаси сифатида;

3) ахлоқий кадриятлар: талабанинг бурч ва шахсий мажбуриятлари, унинг педагогик жараённинг субъекти бўлиш ҳуқуқи, билимларни эгаллашдаги ахлоқий рағбатлар ва мотивлар, ватанпарварлик ва фуқаролик, меҳнат ва бошқа кишиларнинг меҳнатини ҳурмат қилиш;

4) касбий-педагогик фаолиятга доир кадриятлар: ўқитувчи-тарбиячини меҳнат қилишга чорлаш, танлаган касбига масъулият билан ёндашув, педагогнинг маҳорати, унинг изланишли-тадқиқотчилик, инновацион фаолияти, коммуникатив қобилияти, талабалар билан мулоқотдаги ижобийлик, педагогик маҳорат.

В.А.Сластенин эса, касбий йўналганлик тизимига асосланган ҳолда, педагогик кадриятларни қуйидагича тасниф этади:

1) мақсадли кадриятлар: шахсий Мен ва касбий Мен йиғиндисиддаги бўлғуси ўқитувчининг шахсий концепцияси;

2) воситали кадриятлар: педагогик мулоқот, техника ва технология, мониторинг, инноватика, интуиция тизими;

3) муносабатли кадриятлар: педагогик жараён иштирокчиларининг муносабати, касбий-педагогик фаолиятга муносабат;

4) сифат кадриятлари: шахснинг хулқ-атвор, фаолиятга доир хилма-хил сифатлари.

5) билишга оид қадриятлар.

Ўзбекистонда таълимий қадриятлар соҳасида тадқиқот олиб бораётган олим Ш.Қ.Мардонов таълимий қадриятларнинг ўзига хослигига кўра, бир неча гуруҳга тасниф этади:

- 1) глобал концептуал қадриятлар;
- 2) аниқ таълимий қадриятлар;
- 3) таълимнинг индивидуал-шахсий характердаги қадриятлари;
- 4) инновацион педагогик технологиялар – умумбашарий (глобал)-концептуал таълимий қадриятлар;
- 5) шахсни шакллантириш;
- 6) таълимнинг демократик ва гуманитар йўналганлиги;
- 7) инсонпарварлик, шахс дунёқарашини шакллантириш.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштиришда ижтимоий-педагогик ва шахсий-педагогик қадриятлар муҳим ўрин тутди.

Ижтимоий-педагогик қадриятлар турли ижтимоий тизимларда иш олиб борувчи ва ижтимоий онгда намоён бўлувчи қадриятларнинг тавсифи ва мазмунини акс эттиради. Бу таълим соҳасидаги жамият фаолиятини тартибга солувчи ғоялар, тушунчалар, меъёрлар, қоидалар, анъаналар мажмуидир.

Шахсий-педагогик қадриятлар ижтимоий-психологик таълим сифатида юзага чиқиб, уларда ўқитувчи шахсининг мақсадлари, мотивлари, идеаллари ва бошқа дунёқарашга оид хусусиятлари акс этади. Бу хусусиятлар мажмуи унинг қадриятлар йўналиши тизимини ташкил этади. Қадриятлар йўналиши сифатидаги аксиологик “Мен” нафақат когнитив(билишга доир)таркибий қисмларни, балки инсоннинг ички йўналганлигида муҳим ўрин тутувчи ҳиссий-иродавий таркибий қисмларни ҳам ўз ичига олади. Унда ҳам ижтимоий-педагогик, ҳам педагогик қадриятларнинг индивидуал-шахсий тизимига асос бўлиб хизмат қилувчи касбий-жамоавий қадриятлар ўрин олган.



Педагогик кадриятларнинг индивидуал-шахсий тизими куйидагиларни ўз ичига олади:

- шахснинг ҳам жамиятда, ҳам касбий муҳитдаги ўзини намоён этиши билан боғлиқ кадриятлар (педагог меҳнатининг ижтимоий аҳамиятлилиги, педагог фаолиятининг нуфузи, касбнинг яқин шахсий доирадагилар томонидан тан олинishi ва б.);

- мулоқотга бўлган эҳтиёжларни кондирувчи ва унинг доирасини кенгайтирувчи кадриятлар (болалар, ҳамкасблар, мансабдор шахслар билан мулоқот, болаларга бўлган меҳр ва ғамхўрлик, маънавий кадриятлар алмашинуви ва б.);

- шахснинг ижодий индивидуаллигини ривожлантиришга қаратилган кадриятлар (касбий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш имкониятлари, жаҳон маданиятига қўшилиш, сеvimли машғулот билан шуғулланиш, доимий камолотга интилиб бориш ва б.);

- ўзини ишга сафарбар этишга имкон берувчи кадриятлар (педагог меҳнатининг ижодий характери, педагоглик касбининг ҳиссиётга бойлиги ва мароқлилиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ёрдам бера олиш имконияти ва б.);

- прагматик (амалий) эҳтиёжларни кондиришга имконият берувчи кадриятлар (давлат томонидан қафолатланган иш, иш ҳақи, таътил, хизмат поғонасининг ошиб бориши ва бошқаларга эришиш).

Юқорида келтирилган педагогик кадриятлар ижтимоий ва касбий таркибий қисмларни ўз ичига оладиган, предметли мазмунига кўра фарқ қилувчи шахсий ва воситали кўринишларга ажралади. Шахсий кадриятлар – бу педагог меҳнатининг ижодий характерини, нуфузлилик, ижтимоий аҳамиятлилик, давлат олдидаги масъулият, ўз-ўзини намоён қилиш имконияти, болаларга меҳр ва ғамхўрликни ўз ичига олувчи мақсадли кадриятлардир. Бу турга хос кадриятлар ўқитувчи, таълим олувчиларнинг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Мақсадли кадриятлар бошқа педагогик кадриятлар тизимида ҳал қилувчи аксиологик функциялар

сифатида намоён бўлади, чунки унинг мақсадида ўқитувчи фаолиятининг асосий мазмун-моҳияти акс эттирилган.

Педагог педагогик фаолият мақсадларини амалга ошириш йўлларини кидирар экан, ўзини ва ўзгаларни ривожлантириш йўлидаги ўз касбий стратегиясини танлаб олади. Бинобарин, мақсадли кадриятлар давлатнинг таълим сиёсатини ва педагогика илмининг ривожланиш даражасини акс эттиради. Бу кадриятлар субъектлашган ҳолда педагогик фаолиятнинг аҳамиятли омилларига айланади ва воситали кадриятларга таъсир кўрсатади. Улар назария, методология, педагогик технологияларни эгаллаш натижасида шаклланиб, педагогнинг касбий таълими асосини ташкил этади.

Шахс учун зарурий кадриятлар қуйидаги мақсадли кадриятларни ўзида акс эттиради: ўқитувчи меҳнатининг ижодий ва серқирралилик тавсифи, унинг нуфузи ва аҳамиятлилиги, жамият олидаги юксак маъсулият, ўзини намоён қилиш, болаларга меҳр ва бошқалар. Бундай кадриятлар таълим олувчи ва таълим берувчи шахсининг, талабалар жамоаси ва педагогик жамоанинг ривожланиши билан боғлиқ педагогик фаолиятда ўз ифодасини топади.

Воситали кадриятлар мақсадли кадриятларга эришишда восита бўлиб хизмат қилади (меҳнат натижаларининг жамиятда тан олинishi, шахснинг қизиқишлари ва қобилиятларини педагогик фаолият тавсифига мувофиқлиги, касбий ўсиш ва б.).

Шунингдек, педагогик фаолиятга доир кадриятлар педагог нуқтаи назарини ҳам белгилаб беради.

Педагогнинг нуқтаи назари – бу унинг фаоллигининг манбаи ҳисобланган оламга, педагогик воқелик, педагогик фаолият ва хусусий ҳолатларга иродавий ва ҳиссий-баҳоловчи муносабати. Бу бир томондан, жамиятнинг унга қўядиган ва тақдим қиладиган талаблари, умидлари, имкониятлари билан аниқланади. Бошқа томондан эса, унинг доирасида ички, шахсий фаоллик манбалар – майллар, кечинмалар, фаолият мотив ва мақсадлари, кадриятлар тизими, дунёқараш, идеаллар амал қилади.

Педагогнинг нуқтаи назарида унинг шахси, ижтимоий йўналиши тавсифи, фуқаролик хулқ-атвори ва фаолияти намоён бўлади.

Педагогнинг ижтимоий нуқтаи назари умумтаълим мактаби чоғларидаёқ, қарашлар, қадриятлар тизими тарзида шаклланиб, ривожланиб боради. Уларнинг асосида касбий тайёргарлик жараёнида педагоглик касбига, педагогик фаолиятнинг мақсад ва воситаларига нисбатан қадриятли муносабат таркиб топади. Педагогик фаолиятга нисбатан қадриятли муносабат, кенг маънода ўқитувчи шахсининг негизини ташкил этувчи йўналганликни ифодалайди.

Педагогнинг ижтимоий нуқтаи назари кўп жиҳатдан унинг касбий қарашини ҳам белгилаб беради. Бироқ, бу ерда ҳеч қандай тўғридан-тўғри боғлиқлик йўқ, чунки тарбия доим шахсга кўрсатиладиган ўзаро таъсирлардан ҳосил бўлади. Педагогнинг касбий нуқтаи назарини танланишида кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Аммо улар орасида ҳал қилувчи ролни касбга доир меъёрлар, шахснинг индивидуал-типологик хусусиятлари, темперамент ва характери эгаллайди.

### **Назорат саволлари**

1. Педагогик маданият тушунчаси.
2. Педагогик маданиятнинг таркибий қисмлари.
3. Педагогик маданият тизимида педагогик қадриятларнинг ўрни
4. Ўқитувчининг педагогик маданияти.
5. В.А.Сластенин эса, касбий йўналганлик тизимига асосланган ҳолда, педагогик қадриятлар.
6. Ш.Қ.Мардонов таълимий қадриятларнинг ўзига хослигига кўра гуруҳлари.

### **Адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.  
– Т.: Чўлпон, 2005.

2. Nurmanov A.T. Trening mashg'uloti – talabalar ritorik kompetensiyasini shakllantirish vositasi. // J.Pedagogika. – T., 2015. - №3. – B.19-23.

3. Jabborova G.K. Akmeologik yondashuv asosida pedagog shaxsini shakllantirish. // J.Pedagogika. – T., 2015. - №3. – B.44-47.

4. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2009.

5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

6. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

7. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

8. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

## **2 МАВЗУ. ПЕДАГОГИК ОДОБ. ПЕДАГОГНИНГ МУОМАЛА ОДОБИ РЕЖА:**

1. “Педагогик одоб” тушунчаси.
2. Педагогик одобнинг намоён бўлиш хусусиятлари.
3. Педагогнинг муомала одобининг тузилиши ва ўзига хосликлари.

**Таянч тушунчалар:** педагогика, педагогик муомила, педагогик одоб, тамойил, қонуният, педагогик фаолият.

**1. “Педагогик одоб” тушунчаси.** Педагог одоби умуминсоний ва миллий ахлоқнинг қонуниятлари, вазифалари, тамойиллари, тушунчалари, талаблари, мезонларини таълим-тарбия жараёнида ойдинлаштириб, педагогнинг таълим олувчилар, касбдошлари, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарлари билан муносабатларида намоён бўладиган касбий-ахлоқий хусусиятлари йиғиндиси.

Педагог одоби энг аввало, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Бироқ бундай ёндашув бир қадар чекланган нуқтаи назар эканлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, тарбиячининг касбий ахлоқи фақат тарбияланувчилар билан мулоқоти жараёнидагина намоён бўлмайди, балки унинг бутун фаолияти давомида биринчи даражали эҳтиёж сифатида ифодаланади. Бошқача айтганда, педагог одоби тушунчаси тарбиячи дунёқарашининг ҳаётий тизимини англатади. Педагог одоби тушунчасининг мазмуни ахлоқийлик билан бирга иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Ахлоқий таълим-тарбиянинг таркибий қисми сифатида педагог одоби фазилатларини шакллантиришда икки йўналишдаги алоқадор тушунчаларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир: биринчиси – жамиятнинг ўқитувчи шахсига муносабати; иккинчиси – ўқитувчи шахсининг жамиятга муносабати.

**2. Педагогик одобнинг намоён бўлиш хусусиятлари.** Ўқитувчи одобининг моҳияти, асосий мазмуни педагогик фаолият учун муҳим бўлган ахлоқий сифатларда ифодаланади. Умуминсоний ва миллий-ахлоқий

фазилатлар барча кишилар, ҳамма касб эгалари, жумладан, ўқитувчи-тарбиячилар учун ҳам жуда зарурдир.

Ахлоқий фазилатлар меҳнат жараёнида кишининг хулқи, феъл-атворини тартибга солиб турувчи ахлоқий қоидалар, нормалар, талаблар, мезонлар шаклида ифодаланади. Ахлоқ нормалари давлатнинг турли қонунлари билан амалга ошириладиган ҳуқуқ нормаларидан фарқ қилиб, оммавий одат ва намуна кучи, жамоатчиликнинг фикри таъсирида юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий воқелик шахс олдига маълум ахлоқий талаблар қўяди, бу талаблар ахлоқ нормаси, ахлоқий фазилатлар шаклида ифодаланади. Жамият ўз фаолияти ва истиқболи учун хизмат қиладиган ахлоқ нормалари, талаблари, мезонларини белгилайди.

Ўқитувчи умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатларни ўзлаштириб олиши, тажрибада қўллаши, ўзининг дунёқараши, мафқураси ва ахлоқий тажрибаси билан таққослаш лозим. Фикрлаш ва ҳис этиш, турмушда синаб қўриш натижасида умуминсоний ва миллий-ахлоқий сифатлар, қоидалар, нормалар ўқитувчининг ўз ахлоқий фазилига, эътиқодига айланади. Булар муаллимнинг дунёқараши, фикр ва мулоҳазалари билан қўшилиб, бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш шароитида унинг ўрни ва ролини белгилайди.

Ўқитувчи одобининг нормалари ҳар бир муаллимнинг шахсий фикрига, ахлоқий фазили ва эътиқодига айланиши лозим. Ахлоқий эътиқод ва сифатлар ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларида, талабалар, ота-оналар ва бошқа кишилар билан муомала, муносабатларида, кундалик турмушда ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий таъсир ўтказишида кўзга ташланади. Педагогик такт ўқитувчи ахлоқининг амалий қўринишларидан биридир. Муаллим хулқининг натижалари унинг ёшларга ахлоқий таъсирининг самарадорлигида, ахлоқий тарбия соҳасида эришган ютуқларида намоён бўлади.

Ўқитувчи одобининг асосий сифатлари умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатлар, тушунчаларига мос келади ва уларни педагогик фаолият

билан боғлиқ тарзда бир қадар ойдинлаштиради, аниқлайди. Инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ғурур, байналмилалчилик, адолат, яхшилик қилиш, бурч, кадр-қиммат, масъулият, виждон, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, талабчанлик каби ахлоқий фазилатлар ўқитувчи одобида педагогик фаолияти билан боғлиқ равишда таҳлил қилинади. Болаларга яхшилик қилиш, ўқитувчилик бурчи, ўқитувчилик шаъни, кадр-қиммати, ўқитувчилик масъулияти, ўқитувчилик виждони, талабчанлик ва адолатли бўлиш, ўқитувчининг маънавий қиёфаси ҳалоллиги, поклиги, ростгўйлиги қабилар ўқитувчи ахлоқининг муҳим фазилатлари ҳисобланади. Уларнинг чуқур ва пухта ўзлаштириш бўлажак ўқитувчи учун катта амалий аҳамият касб этади.

**3. Педагогнинг муомала одобининг тузилиши ва ўзига хосликлари.** Муомала одоби ўз табиати, моҳиятига кўра ижтимоий ҳодисадир. Ижтимоий қонуниятлар педагогик жараёндаги муомала одобида намоён бўлади. Педагогик одоб жамиятда қабул қилинган маънавий, умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятларга асосланади. Ижтимоий муносабатлар педагогик жараёнда қатнашувчилар ўртасидаги муомала одобини тартибга солиб, бошқариб боради. Ижтимоий муносабатларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга, мезонларга эга. Бу хусусият ва мезонлар ижтимоий фаолиятнинг соҳаси, шахслараро алоқаларнинг характери билан белгиланади. Муомала одоби киши бажариши лозим бўлган ахлоқий қоидалар билан шахс уларни қай даражада қабул қилиши ўртасидаги, шахсий ва ижтимоий манфаатлар орасидаги боғланишларга асосланади.

Муомала одоби бевосита баҳо берувчанлик хусусиятига ҳам эга. Ахлоқий баҳо эса кишиларнинг хулқини, хатти-ҳаракатларини назорат қилади, тартибга солади. Муомала-муносабатлар киши ўз хулқи ва фаолиятида ахлоқий принциплар, қоидалар, талаблар, анъаналарга, урф-одатларга қай даражада амал қилаётганига қараб баҳоланади.

Педагогик жараёнда содир бўладиган муомала одобида муаллимнинг ахлоқий маданияти, тарбияланганлик даражасида акс этади. Муаллимнинг педагогик касб эгаси сифатида ўзига, ўз касбига, талабаларга,

касбдошларига, ота–оналарига муамоласини белгиловчи асосий қоидалар, талаблар мавжуд. Бу мезонлар жамият, давлат ўқитувчига, таълим–тарбия ишларига нисбатан қўяётган ахлоқий талабларига, педагогик фаолиятнинг ахлоқий характери ва хусусиятларига асосланади. Педагогик жараёнда муомила одоби ўқитувчининг фаолиятида намоён бўлади. Ўқитувчилик фаолиятида қўйиладиган ахлоқий талаблар, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ёш авлодни умуминсоний ва миллий–анъанавий, маданий қадриятлар руҳида тарбиялаш соҳасида кун тартибига қўяётган вазифаларига боғлиқ. Улар педагогик жараёндаги муомала одобиди, унда қатнашаётган кишининг хулқи, хатти–ҳаракатларида ифодаланади. Бу хатти–ҳаракатлар педагогик жараён қатнашчиларининг таълим–тарбия мақсади, вазифалари, усул ва воситаларини, ахлоқий қадриятларни қай даражада қабул қилишлари шаклида намоён бўлади.

Муомала одобининг тузилиши жуда мураккабдир. У педагогик фаолиятда субъект–объект муносабатлари шаклида ифодаланади. Субъект–объект муносабатлари муаллим ўзининг профессионал бурчини бажараётганида талабалар, касбдошлари, ота–оналар, жамоат ташкилотларининг вакиллари билан ўқитувчи ўртасидаги алоқаларда вужудга келади. У ўзаро ҳурмат даражаси, ишонч, талабчанлик, хайрихоҳлик ташаббускорлик, ўзаро ғамхўрлик, ҳар бирларининг инсон сифатида кадр–қимматини эъзозлаш қабиларда намоён бўлади. Улар ўқитувчининг педагогик фаолиятида бошқалар билан муамаласининг характерини баҳолашда хизмат қилади. Ўзаро таъсирлар ўқув ишида, турмушда, дам олиш пайтларида, оиладаги муомала–муносабатларининг хусусиятларини аниқлашга имкон беради.

Педагогик жараённинг ўзида ҳам фаолиятнинг турли соҳаларида турлича муомала–муносабатлар мавжуд. Масалан, ўқув ишлари соҳасида, жамоат тоашириқларини бажаришда талабалар, билан синфдан ташқари ишларда, дам олиш пайтлардаги муомала, шунингдек, ўқитувчининг Ватанга, халққа бўлган муносабати ўзига, хос хусусиятларга эга. Унинг моҳияти



шундан иборатки, агар ўқитувчининг бу муомала муносабати ўз профессионал вазифасини бурчини бажариш жараёнида содир бўлса, жамият ўқитувчининг педагогик касбининг ижтимоий мавқеини, унга маълум бир ҳуқуқ ва ваколатлар берилганлигини назарда тутди.

Педагогик этикада муомола одобининг бирор жихати, масалан, ўқитувчининг ўз касбига муносабати, бурчи алоҳида таҳлил этилиши мумкин. Ўқитувчилик касби кишига маълум талабларни қўяди, лекин муаллим бу талабларни қандай бажараётгани бу талабларда ҳали акс этмайди. Ўқитувчининг педагогик фаолияти натижаларини халқ таълими бўлимлари, мактаб маъмурияти, методик бирлашма ходимлари баҳолайди. Ўқитувчининг педагогик жараён қатнашчилари билан муомаласи-бу кишиларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган шахсий инсоний муносабатлари сифатида ҳам қаралади, улар педагогик жараён қатнашчиларининг хатти-харакатларида, хулқида, иш шакли ва усулларида намоён бўлади. Улар ўртасидаги ўзаро ахлоқий баҳолашлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

Педагогик жараёнда ўқитувчи ахлоқий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади. У педагогик жараённинг асосий кишиси-фигураси сифатида талабалар, касбдошлар, ота-оналар билан муомалада бўлади. Педагогик муомала одоби тизимида ўқитувчи асосий фигурадир. Талабалар, касбдошлари, ота-оналар, педагоглар жамоаси ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ўқитувчи учун педагогик муомала-муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Улар билан бўладиган алоқалар ёш авлодга таълим-тарбия бериш вазифаларини бажариш жараёнида содир бўлади. Бу муомала жараёнида иштирок этадиган кишилар бир-бирларига нисбатан хайрихоҳ, ижобий ҳиссиётда бўлишлари, бир-бирларининг фазилатларини ўзаро баҳолашлари, қадрлашларини назарда тутди.

Педагогик муомала-муносабатларда ҳиссиёт аралашгани учун уларнинг ахлоқий ва руҳий жиҳатларини бир-биридан ажратиш қийин бўлади. Шунинг учун ҳам бундай ҳодисалар ҳақида гапирганда, одатда, педагогик жамоадаги ахлоқий-руҳий вазият тушунчаси ишлатилади.

Демак, ўқитувчининг муомала одоби-у алоқа қиладиган одамлар, муассасалар билан ўзпрофессионал вазифасини бажараётганда содир бўладиган ахлоқий муносабатлар мажмуидир. Бу ёндошув асосида педагогик муомала одобини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: ўқитувчи билан талабалар ўртасидаги муомала; ўқитувчи билан педагогик жамоа ўртасидаги муомала; ўқитувчи билан ота-оналар ўртасидаги муомала; ўқитувчи билан мактаб раҳбарлари ўртасидаги муомала.

Муомала одобида ўқитувчининг ахлоқий онги, ахлоқий фаолиятининг етуклик даражаси, ахлоқий эҳтиёжлари ва ахлоқий йўналишлари, сўзи билан ишининг бирлик даражаси, хуллас, муаллимнинг фаол ҳаётий нуқтаи-назари намоён бўлади.

### **Назорат саволлари**

1. Педагогик одоб” тушунчаси.
2. Педагогик одобнинг намоён бўлиш хусусиятлари.
3. Педагогнинг муомала одобининг тузилиши ва ўзига хосликлари.

### **Адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
2. Nurmanov A.T. Trening mashg'uloti – talabalar ritorik kompetensiyasini shakllantirish vositasi. // J.Pedagogika. – Т., 2015. - №3. – В.19-23.
3. Jabborova G.K. Akmeologik yondashuv asosida pedagog shaxsini shakllantirish. // J.Pedagogika. – Т., 2015. - №3. – В.44-47.
4. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2009.
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
7. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
8. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

### **3-МАВЗУ. ТАКТ ВА ПЕДАГОГИКА ТАКТ РЕЖА:**

1. “Такт” ва “педагогик такт” тушунчаси.
2. Педагогик тактни кўллаш шартлари.
3. Педагогик низо ва унинг сабаблари.
4. Педагогик низоларнинг олдини олиш йўллари.

**Таянч тушунчалар:** педагогика, педагогик такт, педагогик низо, Аралашмаслик позицияси, педагогик одоб, педагогик нутқ, педагогик муомила, педагогик маданият.

**1. “Такт” ва “педагогик такт” тушунчаси.** Такт ахлоқий тушунча бўлиб, у инсонларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, инсонпарварлик ғояларига асосланган бўлиб, андишали хулқ, ҳар қандай зиддиятли вазиятларда ҳам инсон ҳурмати сақланиб қолишини талаб қилади. Ҳар бир инсондан, айниқса ўқитувчидан андишали бўлиш талаб қилинади.

Бошқача қилиб айтганда, педагогик такт бу ўқитувчининг таълим олувчилар олдида ўзини тутишни билиши, таълим олувчининг ҳолатини, интилишлари, қизиқишларини тушуна олиши ва энг самарали таъсир йўлини топа олишидир.

Педагогик такт – ўқитувчи касбий маҳоратининг асоси бўлиб, талабаларга барча демократик талаблар асосида педагогик таъсир ўтказиш, мулоқотни инсонпарварлик туйғулари асосида ўрнатиш ўлчови, талабаларда мустақил фикр юритишни ҳамда онгли интизомни таркиб топтириш кўникмаларини ҳосил қилиш шаклидир. Педагогикада ўқитувчининг талабалар билан муносабати уларнинг ёш хусусиятларига қараб белгиланиши ва бу қонуниятга амал қилиниши қатъий талаб қилинади. Шундай экан, ўқитувчи таълим–тарбия жараёнида ҳали тўлиқ шаклланмаган, таъсирларга ва рухий кечинмаларга тез берилувчи, ота–онасининг севимли фарзанди бўлган мурғак қалб эгалари билан мулоқот қилаётганлигини асло унутмаслиги керак.

Талабалар билан мулоқотда педагогик тактга зид бўлган қўполлик, адолацизлик, кўрқитиш, ҳақорат, менсимаслик, педагогикага зид бўлган жазолаш усулларини қўллаш ва бошқа улар шахсига салбий таъсир қиладиган турли жаргон сўзлар ишлатиш талабалар қалбини умуман тузалмайдиган даражада жароҳатлаб қўйиши, ёки ўқитувчининг обрўсига путур етказиши мумкин. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги бундай қарама-каршилиқлар, кўпинча, дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда содир бўлади. Бунда айниқса ёш ўқитувчиларнинг педагогик такт сирларини билмаслиги, тажрибасизлиги панд беради.

Ўқитувчининг тактик маҳорати бирданига шаклланиб қолмайди, у йиллар давомида педагогик фаолиятда, устозлар тажрибасини ўрганишда, дарс жараёнида, синфдан ташқари фаолиятда ва тарбиявий соатларда талабалар билан мулоқотда такомиллашиб боради. Дарс жараёнида педагогик маҳоратнинг асоси бўлмиш педагогик тактга эга бўлиш ўқитувчи учун жуда зарурдир.

Шундай қилиб, педагогик такт бу ўқитувчининг таълим олувчиларга нисбатан амалга оширадиган таъсирининг мезонидир.

**2. Педагогик тактни қўллаш шартлари.** Тактика танлаш турли вазиятларда хилма-хил ролларни бажариш билан боғлиқ. Бу ҳақида маълумотни психотерапевт А.Б.Добрович китобларидан олиш мумкин. Бу тўртта позиция бўлиб, улар қуйидагича: “юқоридан пастга”, “пастдан юқорига”, “ёнма-ён” ва “аралашмаслик” позицияси.

“Юқоридан пастга” позициясида ўқитувчи мустақил ҳал этишни намоёниш этади, масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу позиция “ота-она” позицияси.

“Пастдан юқорига” позицияси тобелик, шахснинг ўзига ишонмаслиги. А.Б.Добрович сўзи билан айтганда, бу “таълим олувчи” позицияси.

“Ёнма-ён” позициясида фаросатлилиқ ва вазминлик, вазиятга қараб иш тутиш, бошқаларнинг ҳам манфаатини ўйлаш, ўзи ва улар ўртасида масъулиятни тўғри тақсимлаш ифода этилади. Бу “катта одам” позицияси.

«Аралашмаслик» позицияси – аралашмаслик, фаолликни намоён этмаслик.

Ҳар бир позициянинг қўлланиши вазият талабига мос танланади. Мулоқот икки томонлама жараён бўлганлиги учун ўқитувчи таълим олувчи ролини ҳам инobatга олиши шарт. Ўқитувчининг одатий позицияси бу ҳамкорликда иш олиб бораётган “катта одам”, яъни ишга алоқадор даражани талаб қилувчи позициядир. Бу позиция таълим олувчида тенг ҳуқуқли шерикликни шакллантиради, ўзаро ишонч муҳитини яратади. Бунда қуйидаги жумлаларни қўллаш мумкин: “Сизлар билан маслаҳатлашмоқчи эдим”, “Келинглар, ўйлаб кўрайлик” ва ҳоказо.

**3. Педагогик низо ва унинг сабаблари.** “Низо” тушунчасининг дастлабки эквиваленти “конфликт” атамаси саналади. “Конфликт” сўзи лотин тилидан таржима қилинганда “тўқнашув” маъносини англатади. Низо – бу бир-бирига қарама-қарши йўналтирилган, ягона бирликка асосланмаган анъаналар, қарашлар, муносабатларнинг алоҳида олинган индивид онгидаги тўқнашуви, муайян муаммони ҳал қилишда педагогик жараён иштирокчиларининг қаршилиги ва кураши. Низонинг келиб чиқиши кескин ҳиссий кечинмалар билан боғлиқ.

Психолог В.Каримованинг эътироф этишича, низо (зиддият) – бу айрим алоҳида олинган шахс онгида, ёки шахслараро мулоқот жараёнида, гуруҳ доирасида ёки гуруҳлараро ўзаро мулоқот ва таъсир пайтларида бирор муаммо, масала ёки қарашлар борасида бир-бирига тўғри келмайдиган, қарама-қарши фикр, қараш ва позицияларнинг тўқнашуви оқибати пайдо бўлган салбий ҳиссиётларга тўла муносабатлар маромини билдирувчи ижтимоий психологик ҳодиса”.

Яна бир психологик манбада эса “низо” тушунчасининг умумий моҳияти қуйидагича таърифланади: низо – бу оппонент ёки ўзаро ҳамкор субъектларнинг бир-бирига зид ва қарама-қарши масала, фикр ёки нуқтаи назарлари. Мазкур манбада ҳар қандай низонинг юзага келишида вазият асос

вазифасини ўташи айтилади. Мавжуд вазият ўзида қуйидаги ҳолатларни ифода этади:

- 1) муайян масалаларда томонлар фикрларининг бир-бирига зид келиши;
- 2) томонларнинг мавжуд вазиятда ечимга эга бўлишда бир-бирига қарама-қарши мақсаднинг ифोजа этилиши ёки турли воситалардан фойдаланишлари;
- 3) томонлар қизиқишлари, истаклари ва имкониятларининг бир-бирига мос келмаслиги.

“Қисқача психологик луғат”да эса низо “салбий эмоционал ҳаяжонлар билан боғлиқ бўлган индивидлар ёки бир гуруҳ инсонлар ўзаро алоқалари ёки ўзаро муносабатларида онгида алоҳида олинган вазиятнинг, қарама-қарши йўналишлар, бир-бирига мос келмайдиган ҳолатлар тўқнашуви” дея талқин этилади.

Юқорида билдирилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин:

- 1) моҳиятига кўра низо – бу муайян масала ёки вазифани ҳал қилишда юзага келадиган зиддиятли ҳолат;
- 2) таркибий тузилишига кўра низо маълум жараён иштирокчилари, субъектлари ўртасида юзага келади;
- 3) келиб чиқиш сабабларига кўра низо маълум масалада томонларнинг бир-бирига зид ечимларни таклиф этиши ёки улар манфаатларининг ўзаро тўқнашуви билан боғлиқ;
- 4) оқибатига кўра ҳар қандай низо ижобий ва салбий характерга эга;
- 5) давомийлигига кўра эса низолар қисқа ва узоқ муддатли бўлади.

Педагогик низо – бу таълим ва тарбия жараёнида унинг иштирокчилари (таълим муассасаларининг раҳбарлари, педагоглар жамоаси, талабалар ҳамда уларнинг ота-оналари) ўртасида юзага келадиган ва бир-бирига мос келмайдиган манфаатлар тўқнашуви саналади. Демак, педагогик низолар деганда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги таълим жараёнида кузатиладиган низолар, тортишувлар келишмовчиликлар, қарама-қаршилиқлар назарда тутилиши лозим.

Педагогик низолар таълим жараёни иштирокчилари ўртасидаги турли соҳаларда ташкил этиладиган муносабатларни қамраб олади. Низоларни уларнинг турли кўрсаткичлари бўйича туркумлаштириш мумкин. Педагогик низолар давомийлигига кўра:

1) тезда яқун топадиган низолар (жуда юқори ҳиссиётли ҳаракатлар билан бошланиб, ўзида низога киришувчиларнинг чуқур салбий муносабатларини акс эттиради; бу каби низолар оғир ва фоизиали яқун топиши ҳам мумкин);

2) узок муддат давом этадиган низолар (томонлар ўртасидаги зиддиятлар етарли даражада чуқур, барқарор, мураккаб бўлган вазиятларда юзага келади; бундай низоларни ҳал қилиш осон эмас);

3) кучсиз, суст кечадиган низолар (у қадар кескин тус олмаган қарама-қаршилиқларни намоён этадиган низолар бўлиб, улар, одатда, зиддиятга киришаётган томонлардан бирининг фаоллиги, иккинчи томоннинг эса имкон қадар низодан қочиши билан тавсифланади; бу каби низоларнинг ечимини топиш ҳам бир мунча қийин; уларнинг ечими ташаббускор томоннинг қарорига боғлиқ бўлади);

4) кучсиз, тез кечадиган низолар (ўзаро қарама-қаршилиқлар, тўқнашувчиларнинг бир қадар ижобий шакли бўлиб, агарда у зиддиятга киришувчи томонлар ўртасидаги ягона низо бўлса, у ҳолда уни ижобий ҳал қилиш имконияти мавжуд).

Шунингдек, педагогик низолар юзага келиш вақти, биргаликдаги фаолият мазмуни, психологик хусусиятлари ҳамда намоён бўлиш ҳолати нуқтаи назардан ҳам бир неча турларга ажратилади. Яъни:

I. Юзага келиш вақтига кўра: 1) доимий низолар; 2) муайян муддатли (бир марта ёки бир неча марта намоён бўладиган) низолар.

II. Биргаликдаги фаолият мазмунига кўра: 1) таълим олиш билан боғлиқ (ўқув) низолар(и); 2) ташкилий низолар; 3) меҳнат низолари; 4) шахслараро низолар ва бошқалар.

Ш. Психологик хусусиятларига кўра: 1) расмий низолар; 2) норасмий мулоқот жараёнида юзага келувчи низолар.

IV. Намоён бўлиш ҳолати нуқтаи назардан: 1) очик низолар; 2) яширин (ёпик) низолар.

М.М.Рыбакова томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, ҳар қандай ижтимоий низолар каби педагогик низоларнинг келиб чиқишида ҳам бошланғич асос – бу вазият саналади.

Низоли вазият – бу объектив нарсалар шахс томонидан субъектив қабул қилинган педагогик жараённинг мураккаб объектив-субъектив ҳолати бўлиб, у иштирокчилар учун аҳамиятли ҳисобланади. В.И.Андреев низоли вазиятлар “икки ёки ундан ортиқ томонлар – иштирокчиларнинг ёпик ёки очик ўзаро курашиши бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзлари учун аҳамиятли бўлган муаммони ечиш мақсади, сабаблари,воситалари ва усулларига эга”эканлигига эътиборни қаратади.

Таълим муассасаларида юзага келадиган низолар ўзига хос хусусиятларга эга. Улар орасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– ўқитувчининг вазиятни педагогик тўғри ҳал қилишга касбий масъулият: ахир мактаб–талабалар инсонлар орасидаги муносабатлар ижтимоий қоидаларини ўзлаштирадиган жамият моделидир;

– низолар иштирокчилари турли ижтимоий мавқеларга эга бўладилар (ўқитувчи –талаба), низодаги турли хулқлари шу билан белгиланади;

– иштирокчиларнинг ёши ва ҳаётий тажрибасидаги фарқ низодаги уларнинг қарашларини ажратади, низоли ҳал қилишда хатолар учун турли даражадаги масъулиятни келтириб чиқаради;

– иштирокчиларнинг ҳодисаларни ва уларнинг сабабларини турлича тушунишлари (низога “ўқитувчининг кўзи билан” ва “талабанинг кўзи билан” турлича қарашлар), шунинг учун ўқитувчига боланинг кечинмалари чуқурлигини тушуниш, талабага эса –ўзининг хаяжонларини бошқариш, ақл билан иш тутиши қийин бўлади;



– низо пайтида бошқа талабаларнинг кузатишлари уларни гувоҳлардан иштирокчиларга айлантиради, низо эса улар учун ҳам тарбиявий мазмунга эга бўлади; бу тўғрисида ўқитувчи доим ёдида тутишига тўғри келади;

– низода ўқитувчининг касбий ҳолати уни ҳал қилишда ташаббусни ўз кўлига олишига мажбур қилади ва биринчи ўринга шаклланаётган шахс сифатида талабанинг манфаатларини кўя билишини талаб қилади;

– низога ҳал қилишдаги ўқитувчининг ҳар қандай хатоси янги вазиятларни ва низога келтириб чиқаради, унга бошқа талабалар ҳам аралашадилар;

– ўқитувчи дарсда талабалар хулқларини тахмин қилиш бўйича эга бўлган имкониятнинг озлиги; уларнинг ҳаракатлари кутилмаганлиги кўпинча дарснинг режалаштирилган боришини бузади, ўқитувчида ғазабланиш ва ҳар қандай йўл билан “тўсиқларни” олиб ташлашга интилишини келтириб чиқаради; содир бўлган ҳодиса тўғрисида ахборотнинг етишмаслиги тегишли йўл тутишни ва шундай шароитларда муносабат этиш оҳангини танлашни қийинлаштиради;

– бошқа талабалар ҳам вазият гувоҳлари бўладилар, шунинг учун ўқитувчи ҳар қандай йўл билан ўзининг ижтимоий мавқеини сақлаб қолишга интилади ва шу билан кўпинча вазиятни низога олиб боради;

– ўқитувчи одатда талабанинг алоҳида ҳаракатларини эмас, балки унинг шахсини баҳолайди, бундай баҳо кўпинча талабага бошқа ўқитувчилар ва тенгдошларининг (айниқса бошланғич мактабда) муносабатларини кўрсатади;

– талабага баҳо бериш кўпинча унинг ҳаракатларини субъектив тушуниш ва унинг мотивлари тўғрисида, шахснинг хусусиятлари, оиладаги ҳаётининг шароитлари тўғрисида кам ахборотга эга бўлиши асосида қилинади;

– ўқитувчи вужудга келган вазиятни таҳлил қилишга қийналади, талабани жазолашга шошилади, талабага нисбатан ортикча талабчанлик зарар қилмайди деб ҳисоблайди;

– ўқитувчи ва алоҳида талабалар ўртасидаги вужудга келган муносабатлар хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлади; талабаларнинг шахсий сифатлари ва ностандарт хулқлари улар ўртасидаги доимий низолар сабаби ҳисобланади;

– ўқитувчининг шахсий хусусиятлари (жаҳлдорлик, кўполлик, қасоскорлик, мағрурлик, иложсизлик ва бошқалар) ҳам кўпинча низолар сабаби бўлади; талабалар билан ўзаро муносабатларда ўқитувчининг устувор кайфияти, педагогик ишларга қизиқиши, педагогик қобилияти йўқлиги, ўқитувчининг ҳаётий муваффақияtsizликлари, педагогик жамоадаги умумий муҳит ва ишларни ташкил қилиниши кўшимча омиллар сифатида иштирок этади. Вазиятларни ва низоларни ҳал қилишда ўқитувчининг ҳар қандай хатоси талабаларнинг хотираларида қолади ва ўзаро муносабатларга узок вақт таъсир кўрсатишини эсдан чиқармаслик керак;

– дарслардаги, айниқса, ўсмир ёшлар синфларидаги низолар кўпчилик томонидан одатий, қонуний деб тан олинади;

– ўқитувчи турли ёшдаги талабалар ўртасидаги амалий ўзаро алоқаларни кучайтириб уларнинг жамоали ўқув фаолиятларини ташкил қилишни билиши керак; бундай низолар кўпроқ биринчи ўринда фақатгина фанни ўзлаштириш даражаси билан қизиқадиган ўқитувчилар фаолиятида кўзга ташланади, аксинча, талабаларни яхши биладиган ва улар билан алоқа қилиш турли шакллари топадиган ўқитувчи томонидан олиб бориладиган дарсларда ва бошланғич синфларда улар анча кам содир бўлади;

– одатда фанни яхши ўзлаштирамаган, хулқи “қийин” талабалар билан дарсдаги вазият низогача етиб боради. Шунинг учун ўқитувчининг ўзининг фойдаси учун айнан шундай талабаларни яхшироқ ўрганиш, топшириқни бажаришда ўз вақтида ёрдам кўрсатиш мақсадида уларга эътиборли бўлиш керак;

– хулқи учун фан бўйича ёмон баҳолар билан жазолаш керак эмас — бу ижобий натижаларга олиб келмайди, балки фақатгина ўқитувчи билан

узок шахсий низо келтириб чиқаради, бу ҳолат албатта фанга қизиқишини пасайтиради;

– педагогик фаолиятда низони самарали ҳал қилишдан унинг олдини олиш осон.

Одатда ўқув муассасаларида таълим олувчилар ўртасида муаммоли низоларни келтириб чиқаришда улар томонидан ташкил этилаётган айрим хатти-ҳаракатлар ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Таълим олувчиларнинг низоларни келтирибчиқарувчи хатти-ҳаракатларисираида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

1) низоли ҳолатларни келиб чиқарувчи хатти-ҳаракатлар (масалан, интизомни бузиш, атрофдагиларга нисбатан қўполлик қилиш, бетга чопарлик, педагоглар, таълим муассасаларининг раҳбарлари, ота-оналар ёки масъул шахсларнинг кўрсатмаларини бажармаслик, кулоқ солмаслик, ёлғон ишлатиш);

2) ўз норозилигини уятли сўзлар билан ифодалаш, педагогларнинг хатти-ҳаракатлари ва хулқини кескин танқид қилиш);

3) яширин қаршилик кўрсатиш (педагогик талабларга бўйсунмаслик, педагогик қарашларга салбий муносабатда бўлиш, педагоглар билан мулоқотга киришдан бош тортиш, дарсларни қолдириш);

4) суэт қаршилик кўрсатиш (нафратни сўзсиз ифодалаш, аччиқланиш, хафа бўлиш, кўз ёши қилиш);

5) бузғунчи хатти-ҳаракатлар ва хулқий кўринишларни содир этиш (“ саволлар бериш, ўқитувчи (педагог)нинг “таъзирини бериб қўйишга интилиш” (қасддан тўполонларни келтириб чиқариш, жамоа аъзоларини педагогга бўйсунмасликка ундаш, машғулотларнинг ташкил этилишига ҳалақит бериш ва бошқалар).

#### **4. Педагогик низоларнинг олдини олиш йўллари.**

Низони бартараф қилиш – бу иштирокчилари муносабатларини иккала томон учун маъқул даражага ўтказиш кескин муносабатлардан ўқув ишлари амалий муносабатлари доирасига йўналтириш демакдир.

Ўқитувчиларнинг сўзлари бўйича шундай таҳлил қилиш вазиятдан чиқиш шахсий тажрибасини тушуниб етишга, низони ҳал қилишга, ўзининг хулқидаги хато ва камчиликларни кўришга ва айбни талабаларга ағдариб уларни такрорламаслигига ёрдам беради. Шу билан ўқитувчи таъсир кўрсатиш анъанавий чораларини қўлламай, ортиқча ҳаяжонланмай қарор қабул қилишга ўрганади. Бу унинг танлаш эркинлигини ва касбий ўзини ҳурмат қилишини оширади.

Вазиятларни таҳлил қилишнинг бир нечта таянч схемалари вариантлари мавжуд.

Биринчи вариант: вужудга келган вазиятни, низони, хатони тасвирлаш (иштирокчилар, юзага келиш жойи, иштирокчиларнинг фаолиятлари ва шу кабилар); вазият юзага келишига нима сабаб бўлди; хулқларида, вазиятда, ҳаракатларида иштирокчиларнинг қандай ёши ва индивидуал хусусиятлари намоён бўлди; вазият талабалар ва ўқитувчилар кўзлари билан; вужудга келган вазиятда ўқитувчининг шахсий фикри (унинг талабага муносабати), талаба билан ўзаро алоқаларда ўқитувчининг ҳақиқий мақсадлари (у нимани хоҳлайди: талабадан кутилишни, унга ёрдам беришни ёки бўлмасам талабага эътиборсизми); вужудга келган вазиятдан, ҳаракатларидан ўқитувчи талабалар тўғрисида қандай янгиликларни билиб олди (вазиятнинг ўқитувчи учун идрок этиш қиммати); вужудга келган вазият ёки низонинг асосий сабаблари ва унинг мазмуни (фаолият, хулқи ёки муносабатлар низоси);

Вазиятни бартараф қилиш, олдини олиш ва ҳал қилиш, талаба хулқини тузатиш вариантлари; педагогик таъсир кўрсатиш воситалари ва услубларини танлаш ва ҳозирги пайтда ва келажакда қўйилган мақсадларни амалга ошириш аниқ иштирокчиларини аниқлаш.

Иккинчи вариант: вазиятни тасвирлаш ва унинг иштирокчилари; вазиятда ўқитувчининг уни низога айланиши олдини олиши мумкин бўлган фурсатни аниқлаш; шу ишни қилиши учун ўқитувчига нима ҳалақит қилди (эмоционал ҳолати, гувоҳлар мавжудлиги, довдираб қолиши, кутилмаганлиги ва бошқалар); вазиятда ўқитувчи таъсир кўрсатиш қайси услубларини

қўллаши мумкин эди ва улардан қандай фойдаланди; баҳолаш; ўзининг педагогик муваффақиятлари ва хатолари тўғрисида ўқитувчи қандай ахборот олди; вазиятда ўз хулқини ва хатосини таҳлил қилиш;

Учинчи вариант: вазият ёки низони тасвирлаш; вужудга келган вазият сабаблари (унинг юзага келиши ички ва ташқи сабаблари) ва низога ўтишига сабаб баҳона ва ж; унинг бориши; ҳар бир иштирокчи учун низонинг мазмуни; вазият иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни психологик таҳлил қилиш; вазиятни турли вариантларда ҳал қилинганида истиқболли тарбиявий ва идрок этиш мақсадлари. Албатта мактаб ҳаётидан, ўқитувчиларнинг шахсий тажрибаларидан ҳақиқий вазиятлар таклиф этилган схемаларга тўғри келмаслиги мумкин, аммо кўрсатилган масалалар вазиятда аҳамиятли томонини аниқлашга, уни англаб етишга ва шахсий мулоҳазаларини қуриш учун психологик билимларидан фойдаланишга ёрдам беради.

Педагогик низоларнинг сабабчилари нафақат талабалар, балки ўқитувчилар ҳам бўлишлари мумкин. Ўқитувчиларнинг педагогик низоларнинг келиб чиқишидаги “асосий роллари” уларнинг қуйидаги хатти-харакатларида намоён бўлади:

- қўполлик;
- ўқувининг шаънини ҳақоратлаш;
- талабанинг ғурурига тегиш;
- талабани камситиш (“ахмоқ”, “ишёқмас”, “танбал”, “иккинчи”, “ҳайвон”, “ярамас”, “тепса тебранмас”, “гўл”, “фаросақиз”, “ўлик жон” ва ҳоказо номлар билан аташ);
- талабани омма олдида шарманда қилиш, уялтириш;
- талабанинг ўзига маълум бўлган сирларини қўпчиликка ошкор қилиш;
- талабани ўринсиз, унинг устига ёқимсиз сўзлар билан танқид қилиш;
- талабага нисбатан муносабатда оддий педагогик ахлоқ қоидаларига ҳилоф иш тутиш (айрим талабаларга хушмуомалалик билан, айримларига эса қўпол , жеркиб муносабатда бўлиш);

- талаба шахсини яши рин тарзда камситиш (ўринсиз ҳазил қилиш, устидан кулиш), талабаларга уларни икки тоифа (“севимлилар” ва “ўзи ёмон кўрадиганлар” гуруҳи)га ажратиб муносабатда бўлиш;

- фақат буйруқ бериш (“Фақат мен айтгандек бажарасан “қиласан!”), яккаҳукмронлигини намоёиш этиш (“Барибир менинг айтганим бўлади!”), қасд олиш ёки талаба билан очикдан очик ҳисоблашиш (“Мана, нимага муносиб бўлсанг, шуни ол!”, “Мен сени огоҳлантирган эдим, аммо кулоқ солмадинг!”), “Шошмай тур, ҳали мендан кўрадиганингни кўрасан!”), кўрқитиш (“Ҳали, бу қилмишинг учун пушаймон бўласан!”), “Мен ўз сўзимни шамолга совурмайман!”), “Ҳали тавбангга таянасан!”), “Мен сен билан имтиҳон вақтида гаплашаман!”), “Ўзингни шундай тузанг, аттестат олмайсан!” ва бошқалар);

- талабанинг фаолиятидан салбий маънода ҳайратланиш (“Тушунмайман, қандай қилиб, оддий нарсаларни билмаслик мумкин!”), “Мен сендек вақтимда...!”, “Наҳотки, ақлли бўлиб қолган бўлсанг!”), “Ҳа, энди, дунёда сендек доно йўқ!”), “Наҳотки, бугун ниҳоят нимагадир ақлинг етган бўлса!” ва бошқалар);

- талабанинг ўқишдаги муваффақиятларига нисбатан бефарқлик, алдоқчилик, сўз ва ҳаракатларининг номувофиқлиги;

- талаба билан ўзаро муносабатга учинчи шахсни аралаштириш.

Педагогик низоларнинг олдини олишда ўқитувчи қуйидаги шартларга қатъий амал қилиши лозим:

Ўқитувчи юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлиши билан бирга нутқ маданиятини ҳам чуқур ўзлаштиришга интилиши мақсадсадга мувофиқдир. Зеро, таълим-тарбия жараёнида юзага келадиган педагогик низоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда нутқ ҳал қилувчи таъсир кучига эга саналади.

Ўқитувчининг нутқ маданиятига эгаллиги ўқув машғулотларини ташкил этиш, маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйишда яққол кўзга ташланади. У таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш билан бирга талабаларни жонли

мулоқотга чорлай олиши, уларнинг мустақил фикрларини тинглай билиши, талабалар билан самимий муносабатни ўрната олиши лозим.

Педагогик низоларнинг олдини олишда ўқитувчи амал қилиши зарур бўлган шартлар:

- синфнинг барча талабалари билан бирдек муносабатда бўлиш;
- талабаларнинг хулқ-атвори, хатти-харакатлари ҳамда билимларини баҳолашга адолатли ёндашиш;
- таълим ва тарбия жараёнида ҳеч бир талабагаалоҳида имтиёзлар берилишининг олдини олиш;
- синфдаги барча талабаларнинг ота-оналари билан яқин алоқада бўлиш;
- педагогик талабнинг синфдаги барча талабалар учун бир хил бўлишига эришиш;
- синф талабалари томонидан педагогик талабларнинг бирдек бажарилиши юзасидан адолатли назорат ўрнатиш;
- талабалар билан муносабатда хушмуомала бўлиш, уларни севиш ва ҳурмат қилиш;
- талабаларнинг барчаси билан бирдек муносабатда бўлиш;
- талабаларни камситмаслик, шаънларини топтамаслик, ҳақоратламаслик, уларнинг устиларидан кулмаслик;
- таълим жараёнининг барча иштирокчилари билан педагогик ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда муносабатда бўлиш;
- шахсий манфаатлари, обрўсини талабаларнинг манфаатлари ва обрўларидан юқори қўйишга интилмаслик ва ҳоказолар.

### **Назорат саволлари**

1. “Такт” ва “педагогик такт” тушунчаси.
2. Педагогик тактни қўллаш шартлари.
3. Педагогик низо ва унинг сабаблари.
4. Педагогик низоларнинг олдини олиш йўллари.
5. «Аралашмаслик» позицияси
6. Педагогик низолар.

## Адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
2. Nurmanov A.T. Trening mashg'uloti – talabalar ritorik kompetensiyasini shakllantirish vositasi. // J.Pedagogika. – Т., 2015. - №3. – В.19-23.
3. Jabborova G.K. Akmeologik yondashuv asosida pedagog shaxsini shakllantirish. // J.Pedagogika. – Т., 2015. - №3. – В.44-47.
4. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2009.
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
7. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
8. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)



## **4-МАВЗУ. ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА РЕЖА:**

1. Педагогик техника ҳақида тушунча.
2. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари.
3. Ўқитувчининг педагогик техникасини шакллантириш йўллари.

**Таянч тушунчалар:** педагогика, педагогик техника, мимика, пантомимика, ҳис-туйғу, имо-ишора.

**1. Педагогик техника ҳақида тушунча.** Педагогик техника – ўқитувчининг нафақат таълим–тарбия жараёнида, балки бутун касбий фаолиятида зарур бўлган умумий педагогик билим ва малакалари мажмуидир. Педагогик техниканинг муҳим жиҳатлари – бу аввало ўқитувчининг маҳоратини белгиловчи касбий кўникмалари ҳисобланади, яъни унинг саводли ва ифодали сўзлай олиши, ўз фикр-мулоҳазасини ва билимини тушунарли тилда таъсирчан баён қилиши, ҳис-туйғусини жиловлай олиши, ўзининг шахсий хусусиятларига хос мимик ва пантомимик қобилиятларга эга бўлиши, аниқ имо-ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассум, сўзнинг чексиз қудрати орқали талабалар онгига ва тафаккурига таъсир ўтказиши, ҳозиржавоблик, психологик билимларга эга бўлиши кабилардир.

Ўқитувчининг педагогик техникаси қандай кўникма ва малакалардан иборат эканлиги, педагогик техника воситасида ўқитувчи таълим муассасаларида таълим-тарбиявий фаолиятни замонавий талаблар асосида қандай ташкил қилиши, талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатишида қандай аҳамиятга эга эканлиги каби муаммолар ҳозирги кунгача дунё олимларининг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда.

Ҳозирги кунда педагогик техника тушунчаси иккита гуруҳга бўлиб ўрганилади. Биринчи гуруҳ компонентлари ўқитувчининг шахсий ахлоқий фазилатлари ва хулқи билан боғлиқ бўлиб, таълим–тарбия жараёнида ўз–ўзини бошқариш малакаларида ( рефлексия) намоён бўлади:

- таълим-тарбия жараёнида ўз хатти-харакатларини бошқариши, (мимика, пантомимика);

- таълим-тарбия жараёнида ўз ҳиссиётини ва кайфиятини жиловлай олиши ва турли ножўя таъсирларга берилмаслик;

- мукаммал ижтимоий персептив қобилиятларга (диққат, кузатувчанлик, хаёл) эгалиги;

- нутқ техникасини (нафас олиш, овозни бошқариш, нутқ темпи) билиши ва ўз ўрнида қўллай олиши.

Педагогик техниканинг иккинчи гуруҳ компонентлари ўқитувчининг шахс ва жамоага таъсир кўрсатиш малакалари билан боғлиқ бўлиб, бу гуруҳ таълим-тарбия жараёнининг технологик томонини қамраб олади:

- ўқитувчининг дидактик, ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив қобилиятлари;

- маълум бир режа асосида ўз олдида қўйилган талабларнинг бажарилишини назорат қилиши;

- таълим муассасасида ва талабалар жамоасида таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ижодий фаолиятни ташкил эта олиши;

- талабалар билан педагогик мулоқот жараёнини бир мувозанатда сақлаб бошқара олиши.

Ўқитувчининг тарбияланувчи объектлар олдида ўз ҳаракатларини бошқаришида актёрлик санъатига хос бўлган хусусиятлари, яъни мимик ва пантомимик қобилиятлари муҳим рол ўйнайди. Актёр бир образни маълум бир муддатда тайёрлаб, бир ёки бир неча маротаба бир хил кўринишда сахнада намоёниш эса, ўқитувчи бутун ўқув йили давомида, ҳар бир дарсда янги мавзунини ўтилган мавзулар билан боғлаб, замонавий инновацион усуллар воситасида талабалар онгига этказиш учун чуқур тайёргарлик кўради, синф жамоасидаги ўзига хос педагогик ва психологик муҳитни, ҳар бир талабанинг шахсий хусусиятларини эътиборга олиб педагогик фаолият кўрсатишга мажбур. Бундай улкан масъулиятни юқори савияда бажариш учун

Ўқитувчидан юксак педагогик техник тайёргарликка эга бўлиш талаб этилади.

Ҳозирги замон ўқитувчиси педагогик маҳорат тизимида педагогик техниканинг ролини беқиёс деб билади. Чунки у ўқитувчига ўз гавдасини тута билиши (мимика, пантомимика), ҳис-туйғуларини (эмоциясини) бошқара олиши, иштиёқ, қобилиятлар, нутқ техникасини эгаллаши ва уларни ўқув фаолиятида, ўқишдан ташқари таълим ва тарбиявий фаолиятлар жараёнида қўллаш йўлларини тушунтиради.

Демак, педагогик техника ўқитувчи касбий фаолиятида шундай касбий ва шахсий малакалар йиғиндисики, у ўқитувчининг педагогик фаолиятига таъсир кўрсатиши, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш ишларида асосий йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади.

**2. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари.** Ўқитувчининг ташқи кўринишида, педагогик техникаси тизимидаги мимик, пантомимик ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчининг ҳатти-ҳаракатини бевосита намоён этувчи мимик ва пантомимик ифодаси, ўқитувчининг имо-ишорасида, маъноли қарашларида, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассумида намоён бўлади ва улар ўқитувчи-тарбиячининг педагогик таъсир кўрсатишида, машғулотларни самарали ва мазмунли ўтишида пухта замин тайёрлаб беради.

Пантомимика – бугавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракатидир. У асосий фикрни ажратиб кўрсатишга имкон беради. Ўқитувчи ўз гавдаси, қўли, оёқ ҳаракатларининг ҳолати орқали ҳар қандай педагогик маълумотларнинг образини “чиза” олса, талабалар бундан завқланадилар, улар ички ҳис-туйғулари, ташқи ҳиссиётлари билан кўшилиб бутун онгини ўқув материаллари мазмунини ўзлаштиришга қаратадилар. Пантомимика гавдани рост тутиб юра билиш, қўл ва оёқ ҳаракатларининг бир-бирига мослиги, фикрларини аниқ ва тўлиқ баён қилиб қўлини, бошини турли ҳаракатларда ифодалаш ўқитувчининг ўз билимига, кучига ишончини билдиради. Шунинг учун ўқитувчининг талабалар олдида ўзини тута билиш ҳолатини

тарбиялаши лозим (оёқлари 12-15 см. кенгликда, бир оёқ сал олдинга сурилган ҳолда туриш). Ўқитувчининг юриши, қўл ва оёқ орқали имо-ишоралари ортиқча ҳаракатлардан ҳоли бўлиши керак. Масалан: аудиторияда орқага олдинга тез-тез юриш, қўллари билан турли имо-ишоралар қилиш, бошини ҳар томонга ташлаш ва ҳоказо. Бундай ҳолатлар дарс давомида талабаларнинг эътиборини бўлиб, ғашини келтиради ва ўрганилаётган фанга, ўқитувчига нисбатан хурмацизлик кайфиятини уйғотади.

Ўқитувчининг пантомимик ҳаракатлари тизимида ўз ҳиссий ҳолатини бошқара олиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи талабалар билан мулоқот жараёнида қизғин кузатув остида бўлади. Унинг кайфиятидаги ўзгаришлар пантомимик ҳаракатларида намоён бўлади. Шу туфайли талабаларга таълим-тарбиявий таъсир кўрсатиш жараёнида (дарсда, дарсдан ташқари машғулотлар пайтида, тарбиявий ишлар жараёнида) ўз ҳиссиётини бошқара олиши, жиддий бўлиши, умидбахшлик, хайрихоҳлик кайфиятида бўла олиш қобилиятларига эга бўлиши зарур. Пантомимик ҳаракатлар тизими ўқитувчига бирданига пайдо бўладиган кўникма эмас. Бунинг учун ўқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаши, илк педагогик фаолияти даврида камчиликларини тезда топиб бартараф эта олиши даркор. Чунки, йиллар давомида ўқитувчи ўзининг ҳар бир ҳаракатига мослашиб уни одат қилиб олиши мумкин. Мукамал пантомимик малакаларга эга бўлган ўқитувчи ўз-ўзини назорат қила олади, кўп йиллик фаолияти давомида соғлом асаб тизимини ўзида тарбиялаб асабийлашишдан, ҳиссий ва ақлий зўриқишлардан ўзини сақлай олади.

*Гавда тутиш этикаси* олдинга-орқага тебраниш, оғирликни бир оёқдан иккинчи оёққа ўтказиб туриш, стул суюнчиғига таяниб туриш, бошни қашлаш, бурунни артиш, кулоқ кавлаш каби зарарли одатларга йўл қўймайди. Ўқитувчи гавдасининг ҳаракати чегарали ва босиқ бўлиши, ортиқча силкиниш ва кескин ҳаракатлардан ҳоли бўлиши шарт.

Мимика- юз мускуллари орқали ўз сезгиси, фикри, кайфиятини ифодалашдир. Ўқитувчининг юз ифодаси ва қараши баъзан талабаларга

сўздан ҳам қаттиқроқ таъсир кўрсатади. Мимика ахборотнинг хусусий аҳамиятини оширади, уни пухтароқ ўзлаштирилишини таъминлайди. Талабалар ўқитувчи кайфияти ва муносабатини унинг юзидан ўқиб оладилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг юзи унинг сезгирлигини ифодалаши билан бирга уларни яшириб туриши ҳам лозим. Оила ташвишлари, ташқаридаги келишмовчиликларни ўқитувчи ўзининг юз ифодасида билдирмаслиги керак. Юз ифодаси ва ҳаракатлар фақат дарс мақсадига, ўқув-тарбиявий ишни яхшилашга йўналтирилиши лозим. Юз ифодасида кўзлар муҳим ўрин тутди. Жозибасиз кўзлар маъносиз қалбни акс эттиради. Ўқитувчи юз мускуллари ва кўзларини тез-тез ҳаракатлантириш билан бирга уларни бирдай қотиб қолишдан эҳтиёт бўлиши лозим. Ўқитувчи нигоҳи талабаларга қаратилган бўлиши, бевосита кўриш контактини вужудга келтириши зарур, барча талабаларни диққат марказида ушлаб туришга интилиши лозим.

Мимик ҳаракатлар, ифодалар маълумотларнинг ҳиссий аҳамиятини кучайтириб, уларни чуқур ўзлаштириш имкониятини беради. Талабалар ўқитувчининг муомаласи ва хатти-ҳаракатига қараб кайфиятини, муносабатини тезда «ўқиб» оладилар. Шунинг учун оиладаги баъзи нохушликлар, ҳиссийётга берилиш, ғам ва ташвишнинг ўқитувчи чехрасида ва мимик белгиларида ифодаланиши мумкин эмас. Чунки ушбу нохушликлар ўқитувчининг педагогик фаолиятига дарс машғулотларини мукамал бажаришида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Ўқитувчининг чехрасида, мимик белгиларида фақат дарс машғулотларига хос бўлган, талабаларга таълим ва тарбиявий топшириқларни ечишга ёрдам бера оладиган кўринишларни ифодалаш лозим.

Ўқитувчининг чехрасидаги ифода, нутқи, талабалар билан ўзаро муносабати унинг индивидуал характериға мос бўлиши керак. Ўқитувчи чехра кўринишидаги мимик ифода, таълим-тарбия қонуниятларига мос ишонч, маъқуллаш, таъқиқлаш, норозилик, қувонч, фахрланиш, қизиқувчанлик, бефарқлик, иккиланиш каби хусусиятларни ифодалаши мумкин. Бунда овоздаги турли ўзгаришлар, нутқнинг тушунарли баён этилиши муҳим

аҳамиятга эга. Мимик ифоданинг асосий белгиларини намойиш этишда қош, кўз, чеҳра кўриниши иштирок этади.

Инсон ҳис туйғулари унинг юзида–юз мушакларини қисқариши ва бўшашиши натижасида–намоён бўлади. Юз мушаклари ҳолатини бошқариш унчалик қийин бўлмаганлиги учун одамлар ҳақиқий ҳисларини яширишга ҳам уринадилар.

Юз мушаклари ҳаракатлари симметриклиги ушбу инсоннинг самимийлигидан далолат беради. Инсон сўзларида қанчалик ёлғонни кўп кўшса, симметрия шунчалик бузилади.

Ҳақиқатни билдирувчи мимика жуда тез, сездирмасдан намоён бўлиши мумкин ва уни тўғри талқин қилиш учун тажриба ёки ҳаттоки махсус тренировка керак. Яна бир хусусият: ижобий ҳиссиётлар салбийга қараганда осонроқ англанади.

Айниқса, инсон лаблари ҳиссий ифодалилиги билан ажралиб туради (масалан, лабларни тишлаш – ҳаяжонни, бир томонга қийшайган лаблар ишонқирамаслик ёки истехзони англатиши мумкин)

Табассум одатда дўстона муносабат ёки қўллаб қувватлашга бўлган эҳтиёжни билдиради. Эркак киши учун табассум у ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута олишини намойиш қилиши бўлса, аёл табассуми кўпроқ ҳақиқий кайфиятини билдиради.

Табассум турли ҳиссиётларни англаганлиги учун уларнинг баъзи турларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- 1) ортиқча кўп жилмайиш – қўллаб қувватланишга эҳтиёж;
- 2) қийшиқ кулиш – назорат қилинаётган асабийлик;
- 3) кўтарилган қошлар ва табассум - бўйсунушга тайёрлик;
- 4) пастга туширилган қошлар ва табассум – ўзини катта олиш;
- 5) табассум билан бир пайтда пастки қовоқларнинг кўтарилмаслиги – самимияцизлик;
- 6) табассум билан бир пайтда кўзларнинг олайиши – кўрқитиш.

Турли ҳислар кечираётганда юз мимикасини билиш фақатгина бошқаларни тушунишдагина эмас, балки ўз имитация маҳоратини ўстириш учун ҳам зарурдир.

Одамнинг ички кечинмалари ҳақида энг тўғри маълумотни кўзлар намоён қилади:

- 1) кўзнинг одатий ифодасидаги ўзгариш;
  - 2) кўзларнинг беихтиёр ҳаракатлари – ҳаяжон, орийат, ёлғон, кўркүв, асабийлашув;
  - 3) ёниб турган нигоҳ – қизишиш;
  - 4) қотиб қолган нигоҳ ўйга чўкканлик ёки ҳолсизлик;
  - 5) қорачиғларнинг каттариши қизиқиш ва қабул қилинаётган ахборотдан, атрофдагилардан, таомдан ва бошқа шунга ўхшаш омиллардан қониқиш ҳис этаётганлиги ёки қаттиқ оғриқ; маълум дори-дармон ёки наркотик қабул қилганлиги;
- б) қорачиқларнинг кичрайиши – ғазабланиш ёки маълум турдаги наркотикларни қабул қилганлиги ва бошқалар.

Мулоқот давомида кўпроқ эшитаётган одам суҳбатдоши кўзига қараб туради. Мулоқотнинг умумий вақтининг учдан биридан камроқ вақт ичида кўзингизга қараб турган инсоннинг сизга нисбатан самимийлигига шубҳаланинг; бутун диалог давомида тикилиб қараётган инсон ёки сизга нисбатан қатта қизиқиш билдирмоқда ёки (агар қорачиғи кичрайган бўлса) унинг сизга нисбатан адовати бор, ёки сизни ўзига тобе қилмоқчи.

Инсоннинг ички ҳолати ҳақида унинг статик ҳолати маълумот бериши мумкин. Шуниси қизиқки, агар маълум бир туришлар (поза) инсон учун одатий бўлиб қолган бўлса бу унинг характеридаги турғун сифатлардан далолат беради.

Қуйида бир неча позанинг психологик нуқтаи назардан талқинини кўриб чиқамиз:

- 1) кўллар орқада, бош юқори кўтарилган, ияк олдинга сурилган – ўзига ишонч, ўзини бошқалардан устун кўйиш;

2) тананинг юқори қисми олдга интилган, кўллар белда – дадиллик, ўзига ишонч ва фаол ҳаракатларга тайёрлиги, тажовузкорлик, ўз фикрини охиригача ҳимоя қилишликка тайёрлик;

3) кўллар билан стол ёки стулга таяниш – суҳбатдоши билан тўла контакт йўқлиги;

4) кўллар тирсаклар очилган ҳолда бош орқасида қовушган – ўзини бошқалардан устунлигини ҳис этиш;

5) бош бармоқларини белбоғ ёки чўнтакларга солиб туриш – тажовуз, ўзига ишонганликни ифодалайди;

6) бош бармоқни чўнтаклардан чиқарган ҳолда туриш – ўзини катта олишлик;

7) кўл ва оёқлар алмаштирилган ҳолда – суҳбатдошига нисбатан ишонқирамаслик ва ўзини ҳимоялаш;

8) кўл ва оёқлар алмаштирилмаган ҳолда, пиджак тугмалари ечилган – ишониш белгиси;

9) бошнинг четга эгилиши – қизиқиш уйғонганлиги;

10) бошнинг қуйи эгилганлиги – салбий муносабат;

11) бошнинг сал ортга эгилганлиги – тажовуз белгиси;

12) стул четида ўтириш – ҳар қайси моментда туриб кетишга тайёргарлик: чиқиб кетиш учун ёки ҳаракат қилиш учун, ўзига эътиборни қаратиб, суҳбатга қўшилиш учун ёки қизишган инсон ўзини кўлда тутиш учун қилган ҳаракати.

Инсонлар ҳис-туйғуларини аниқлашда фақат беихтиёр кўл ҳаракатларига диққатни қаратиш лозим. Ҳар хил одамларда бир хил кўл ҳаракатлари турли маънога эга бўлиши мумкин, лекин маъноси ўхшаш ҳолатлар ҳам мавжуд:

1) кўлларнинг фаол ҳаракати – кўпинча ижобий эмоциялар, дўстона муносабат ва қизиқишни англатади;

2) ортиқча кўл ҳаракати – ҳаяжон, ўзига ишончсизлик белгиси;

3) кафтлар очик – очиклик ифодаси;



- 4) кўлларни мушт қилиш – ички қўзғалиш, тажовуз;
- 5) сўзлаётганда оғизни кўл билан тўсиш – хайрон бўлиш / ёлғон сўзлаш / суҳбатдошига маълумотни ишониб етказиш;
- 6) сўзлаётганда бурунга тегиб туриш – айтаётган сўзларига ишонқирамаслик / ёлғон / янгидан-янги далиллар излаш;
- 7) қовоғини бармоқ билан ишқаламоқ – ёлғон / ишонқирамаслик; сўзлаётганда юзининг турли қисмларини ишқалаш – ташвиш, уялиш, ўзига ишонмаслик;
- 8) иягини силаш – қарор қабул қилиш;
- 9) кўлларнинг беихтиёр ортиқча ҳаракатланиши (бирор нарсани айлантириш, бураш, кийимининг деталларига тегиш) - огоҳлик, асабийлашганлик, уялиш;
- 10) кийим ёқасини тортиш – ёлғони ошкор бўлганлигини сезган одам ёки ғазабдан ҳаво етишмаслиги;
- 11) бирор нарсага таянишга бўлган интилиш – вазиятнинг мураккаблигини ҳис қилиш, ушбу вазиятдан чиқиб кетиш йўлини топа олмаётганлигидан далолат беради.

### **3. Ўқитувчининг педагогик техникасини шакллантириш йўллари.**

Ўқитувчи педагогик фаолиятида педагогик техниканинг кўникма ва малакаларини мукаммал такомиллаштирган ҳолда ўз маҳоратини ошириш учун қуйидаги жараёнларни билиши лозим:

Педагогик техника малакаларини мукаммал эгаллаш учун аввало, ўқитувчи ўз фанини, ўқитадиган предметининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорликда билиши, педагогик ва ахборот технологияларини, педагогика ва психология фанлари асосларини давр тараққиёти даражасида билиши, касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялай оладиган бўлиши зарур. Чунки педагогик техника ўқитувчиларнинг индивидуал шахсий хусусиятларига ҳам боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчи ўз тафаккурига, фикрлаш қобилиятига, ўзининг касбий йўналиши, касбий лабораториясига эга бўлиши керак. Бу йўналиш ва лабораторияни ўқитувчиларнинг ўзлари мустақил фикр юритишлари,

мустақил билим олишлари, педагогик маҳоратини ошириб боришлари орқали кўлга киритадилар ва мохир ўқитувчига хос фазилатларни тарбиялайдилар ҳамда касбий идеал сари ҳаракат қиладилар.

Педагогик техника сирларини мукаммал билиш ўқитувчининг ташкилий - методик малакаларни эгаллашига ҳам боғлиқ. Бу малакалар зарур билимлар бўйича маърузаларни тинглаш, махсус адабиётларни ўқиш орқали кўлга киритилади. Ташкилий-методик малакалар айтилган йўл-йўриқлар, кўрсатмаларни ўзининг индивидуал касбий тажрибасида синаб, кўникма ҳосил қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ташкилий-методик малакаларнинг индивидуал хусусиятлари, жамоа ва гуруҳ бўлиб ишлаш, ўқиш, фаолият кўрсатиш асосида қурилгани маъқул. Чунки гуруҳ ёки жамоа бўлиб ўқиш, ишлаш ҳар бир ўқитувчига рефлексив қобилиятлари асосида, ўзини бошқалар кўзи билан кўришни ва баҳо беришни, фаолиятидаги нуқсонларни сеза билишни, муомала ва ҳуққ-атворнинг янги шакллариини излаб топиш ва синаш имкониятини беради. Бу эса ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини тарбиялаш учун асос бўлади ва педагогик вазибаларнинг янги усулларини текшириб кўриш, назарий масалаларини ҳал қилиш учун тажриба майдонини ташкил қилишга замин яратади. Демак, ташкилий – методик малакаларни эгаллашда гуруҳ, жамоа фаолияти, машғулотлар педагогик техника асосларини эгаллаш имкониятини беради.

Педагогик техникани эгаллашнинг асосий йўллари ўқитувчининг малака ошириш курсларига иштироки, устоз мураббийлар раҳбарлигидаги машғулотлар (улардан педагогик техника сирларини ўрганиш) ва мустақил (касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш) ишлашдир. Педагогик техника кўникма ва малакаларини эгаллаш индивидуал-шахсий салоҳият эканлигини ҳисобга олиб, педагогик техникани эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш, яъни талабалик йилларида ўзида тажрибали ўқитувчиларнинг шахсий фазилатларини ва касбий малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолият етакчи рол ўйнайди, деб айтиш

мумкин. Касбий идеал сари интилишда бу ҳаракат педагогик техникани эгаллашда муҳим рол ўйнайди.

Педагог ва психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўз фаолиятини эндигина бошлаётган ўқитувчилар дуч келадиган қийинчиликларнинг асосий сабаби айнан педагогик техникага оид маълумотларни билмаслиги оқибатида содир бўлмоқда. Педагогик техника тўғрисида юқорида айтиб ўтилган фикр ва мулоҳазаларга эътибор қилмаслик, педагогик фаолиятда назарий ва амалий тажрибаларнинг йўқлиги, ўз фаолиятига танқидий назар билан баҳо беролмаслик оқибатида ҳамда ўқитувчида индивидуал педагогик техникани ривожлантириш, таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган педагогик фаолиятнинг йўқлиги мазкур қийинчиликларнинг асосий сабабларидан бири эканлигини унутмаслик керак.

### **Назорат саволлари**

1. Педагогик техника ҳақида тушунча.
2. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари.
3. Ўқитувчининг педагогик техникасини шакллантириш йўллари.
4. Гавда тутиш эстетикаси.
5. Табассум турли ҳиссиётлари.
6. Одамнинг ички кечинмалари

### **Адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
2. Nurmanov A.T. Trening mashg'uloti – talabalar ritorik kompetensiyasini shakllantirish vositasi. // J.Pedagogika. – Т., 2015. - №3. – В.19-23.
3. Jabborova G.K. Akmeologik yondashuv asosida pedagog shaxsini shakllantirish. // J.Pedagogika. – Т., 2015. - №3. – В.44-47.
4. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2009.
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
7. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
8. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

## **5-МАВЗУ. НУТҚ ТЕХНИКАСИ**

### **РЕЖА:**

1. Нутқ ҳақида тушунча. Нутқнинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни.
2. Нутқ техникаси: нафас олиш, товуш, дикция, ритмика.
3. Ўқитувчининг нутқ малакасини шакллантириш йўллари.

**Таянч тушунчалар:** педагогика, педагогик техника, мимика, пантомимика, ҳис-туйғу, имо-ишора, нутқ, нутқ маданияти, нутқ таҳлили, нутқнинг тезлиги, тембр, дикция, ритм, диапазон, товуш парвози, резонатор тизими, кўкрак нафас, юқори нафас.

**Нутқ ҳақида тушунча. Нутқнинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни.**  
Нутқ – тилдаги мавжуд ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда реалликка айланган фикр бўлиб икки хил кўринишда намоён бўлади: 1) ички нутқ; 2) ташқи нутқ.

Ўқитувчи онгида ҳосил бўладиган, ҳали амалга ошмаган тил элементларидан ташкил топган, кишининг оғиз очмасдан фикрлаши, мулоҳаза юритиши, ўйлаши ички нутқдир.

Ўқитувчи мулоҳазаси ва фикрининг тил воситасида нутқ органларига таъсири ва ҳаракати билан реал товушлар сифатида юзага келадиган нутқ – ташқи нутқ бўлиб, у ижтимоий ҳодисадир.

Ўқитувчининг нутқий фаолияти: сўзлаш, мутолаа қилиш ва эшитишдан иборат. Нутқ ҳодисаси монолог, диалог, полилог, декламация ҳамда айрим матн ва китоб шаклида бўлиши мумкин. Нутқ махсус белгиланган тартибда ўзининг ҳажми билан нотикқа ҳавола этилади.

Педагогик-психологик адабиётлар таҳлили асосида нутқнинг қуйидаги ўзига хосликларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Функциялари: мулоқот, шахсга таъсир кўрсатиш, таълим ва тарбия воситаси.
2. Шакллари: ташқи нутқ (оғзаки): монолог, диалог, полилог; ёзма: доклад, реферат, аннотация ва бошқалар; ички нутқ.

3. Нутқ техникаси: педагог овозининг касбий сифати: тембр, интонация, дикция, темпоритм (бир минуда 120 та сўз).

4. Нутқий фаолият турлари: ўқиш, ёзиш, гапириш.

5. Нутқ услублари: илмий, расмий, сўзлашув, бадиий, оммабоп.

6. Нутққа қўйиладиган талаблар: талаффузнинг аниқлиги, ифодавийлик, эмоционаллик, дикциянинг тушунарлиги, товушларнинг аниқ талаффуз қилиниши, образлилик, нутқ маданияти, сўздан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш, темпоритмга амал қилиш.

7. Нутқни эгаллашда йўл қўйиладиган камчиликлар: монотонлик, темпоритмнинг ошиб кетиши, нотўғри дикция, сўзларни ноўрин қўллаш, тил қоидаларини бузиш.

Ўқитувчи нутқининг таъсирчанлиги нутқнинг асосий сифатларидан бири саналади ва нутқдаги тўғрилик ва аниқлик, мантиқийлик ва тозалик тингловчига таъсир этиш учун йўналтирилган бўлади.

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, ўқитувчининг оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади ва талабалар томонидан қабул қилинишида пайдо бўладиган руҳий вазият эътиборга олинади. Яъни нотик-ўқитувчи талабаларни ҳисобга олиши, уларнинг билим даражасидан тортиб, ҳатто ёш хусусиятларигача, нутқ ижро этилаётган пайтдаги кайфиятларигача кузатиб туриши, ўз нутқининг талабалар томонидан қандай қабул қилинаётганини назорат қилиши лозим. Профессional билимга эга бўлган ўқитувчилар жўн, содда тилда гапиришлари мақсадга мувофиқ эмас, оддий, етарли даражада нотиклик маълумотига эга бўлмаган ёш ўқитувчилар ҳам илмий ва расмий тилда гапиришга ҳаракат қилишлари керак эмас. Хуллас, нотик-ўқитувчидан вазиятга қараб иш тутиш талаб қилинади ва ифодаламоқчи бўлган ҳар қандай фикрини тўлалигича талабаларга етказишга ҳаракат қилиш вазифа қилиб қўйилади.

Талабалар тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ишонтира олиш ўқитувчи олдига қўйиладиган асосий шартлардан бири ҳисобланади. Бунинг учун эса, ўқитувчида юқорида айтилганидек, мавзунини яхши билишдан

ташқари, уни баён этишнинг аниқ белгиланган режаси бўлиши керак. Нутқдаги фикрларни биринчи ва иккинчи даражали тарзда тузиб, уларни ўзаро боғлаб, талабаларни аввало нутқ режаси билан таништириб, сўзни бошлаш лозим. Вақтни ҳисобга олиш, нотиклик фазилатларидан биридир. Чунки сўзлаш муддати олдин эълон қилиниб, шунга риоя қилинса, агар иложи бўлса, сал олдинроқ тугатилса, талабалар зерикишмайди.

Нутқнинг таъсирчанлиги ва ифодалилиги ҳақидаги гап маълум маънода нутқ сифатлари ҳақида айтилган гапларга яқун ясашдир. Чунки яхши нутқнинг фазилатларини кўрсатиб ўтиш, нутқда учрайдиган айрим типик хатоликларни таҳлил қилиш, пировард натижада таъсирчан бир нутқни шакллантиришга хизмат қилади. Нутқдаги фикрларни талабаларга мазмунли етказишнинг хилма-хил йўллари ва воситалари мавжуд. Уларни ёрдамчи воситалар деб ҳам аташ мумкин. Масалан, юмор ёки бирор ҳикоятни олайлик. Нутқдаги узлуксиз илмий-оммабоп фикр оқими, унинг бир маромда баён қилиниши талабани ҳам, ҳар қандай тингловчини ҳам зериктириб қўйиши мумкин. Шундай пайтда, юмор, ҳикоят, қизиқарли воқеалар ҳақида гапириш ўқитувчига жуда қўл келади. Юморнинг нутқ мазмунига мос ҳолда келтирилиши яна ҳам яхшидир. Шундай қилинса, талаба ҳам дам олади, ҳам ўрганилаётган мавзуга нисбатан қизиқиш пайдо бўлади.

Нутқда мавзу доирасида баъзи фикр ва мулоҳазаларни келтириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бундай фикрлар нотик фикрининг тўғрилигини, ҳаққоний эканлигини исботлаш учун фойдаланилади, фақат улардан фойдаланишни суистеъмол қилмаслик керак. Бадиий адабиёт намуналаридан, ҳикматли сўзлардан, тилдаги ифода – тасвир воситаларидан нутқда ўрни билан фойдаланиш ҳам ижобий натижаларга эришишни таъминлайди.

Нутқнинг талабаларга қандай таъсир қилишида ва уларда қандай таассурот қолдиришида ўқитувчининг нутқий жараён давомида ўзини қандай тута билиши, имо-ишоралари, ҳатто кийиниши каби омилларнинг ҳам ўрни бор. Самимийлик, хушмуомалалик, одоблилик, талабаларга ҳурмат билан

караш каби фазилатлар нутқнинг талабалар томонидан эътибор билан тингланишига сабаб бўлади.

Мукамал нотиклик санъатига эга бўлиш – ўқитувчилар учун улкан меҳнат талаб қиладиган мураккаб жараён дир. Нутқнинг ўткирлиги, ёрқинлиги ва оригиналлиги тингловчи ва талабаларда ҳис-туйғу ва қизиқиш уйғотиши, унинг эътиборини қаратиши, айтилаётган нарсанинг мазмунини яхшилаб етказиш учун зарур дир.

Демак, нутқ аниқ ва раво бўлиши, грамматик жиҳатдан тўғри тузилган бўлиши, адабий талаффуз қодаларига бўйсунуши, бошланишидан охиригача изчил баён қилиниши лозим. Ана шундай нутқ асосида ўрганилаётган билим талаба хотирасида узок вақт сақланиб қолади. Шундай нутқ маданий нутқ талабларига жавоб беради. Бунинг учун ўқитувчилардан тинимсиз изланиш ва ўз устида ишлаш, филологик билим ва муттасил нутқий машқ қилиш талаб қилинади.

### **1. Нутқ техникаси: нафас олиш, товуш, дикция, ритмика.**

Педагогик техниканинг таркибий қисмларидан бири ўқитувчининг нутқ малакаларини, яъни саводли гапириш, ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш, ўз фикр ва ҳис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларини эгаллашдан иборат.

Ўқитувчининг нутқ маданиятига эга бўлиши, тўғри нафас олишни ишлаб чиқиши энг катта – энг асосий қиймат дир. Оғзаки нутқ маҳоратини юксалтириш, нафақат ҳикоя ва тушунтириш, балки урғу берилган сўз ҳам педагогик таъсир усулларидан яхшироқ фойдаланишга имкон яратади.

Педагог ўзининг овози ва кўринишини бошқаришни билиши, ташқи қиёфани, мимикани ушлаб туришни билиши зарур.

Мен фақат “буёққа кел” сўзини 15-20 хилда гапира олганимдан, юз, ташқи қиёфа ва овозни 20 хил кўринишда бера олганимдан сўнггина ҳақиқий маҳорат эгасига айландим,- деган А.С. Макаренко.

Ўқитувчининг такомиллашган нутққа эга бўлиши - ўқув материалларининг талабалар томонидан пухта ўзлаштирилишини таъминлаш

гаровидир. Талабалар ўқитувчи нутқига алоҳида эътибор берадилар. Бирор харф ёки товуш нотўғри айтилиши кулгига сабабчи бўлади. Бир хил оҳангдаги нутқ талабаларни тез чарчатади.

Айрим мутахассислар товуш ва унинг тембри туғма хусусият, дейдилар, лекин ҳозирги экспериментал физиология товуш сифатининг ўзгариши мумкинлигини тасдиқлайди. Нутқнинг ифодали, соф бўлиши устида ишлаш фикрларнинг раво бўлишига таъсир қилади. Нутқ имо-ишора, мимика, ҳаракат билан бирга содир бўлади, узлуксиз ўзини тута билиш таъсирчан воситаларини танлашга муваффақиятли равишда тузатиш киритиб бориш имконини беради.

Бугунги кунда нутқ техникаси бўйича бир неча машқ комплекслари ишлаб чиқилган. Улар, асосан театр педагогикаси тажрибасига асосланган бўлиб, сўзлашиш пайтида нафас олиш, товуш ҳосил қилиш ва уни маъноли ифодалаш малакаларини такомиллаштиради, бу эса ўқитувчига ўз сўзи мазмунини талабаларга янади тўлақонли қилиб етказишга имкон беради.

Нафас олиш организмга ҳаёт бағишловчи физиологик функцияни бажаради. Шу билан бирга у нутқ энергия базаси бўлиб ҳам ҳисобланади. Нутқ сўзлаётганда нафас олиш – фонацион нафас олиш дейилади (ренготовуш). Кундалик ҳаётдаги нутқ асосан диалог шаклида бўлади. Шунинг учун ҳам нафас олиш ортикча қийинчилик туғдирмайди. Дарс давомида ўқитувчи жуда кўп гапирди, янги мавзунини тушунтиради, маъруза ўқийди. Нутқ сўзлашда қайси мушакларнинг иштирок этишига қараб нафас олиш 4 турга бўлинади.

Юқори нафас – елкаларнинг кўтарилиб тушиши ва кўкрак қафасининг юқори қисми иштирокида ҳосил қилинади. Бу бўш юзаки нафас бўлиб, унда ўпканинг фақат юқори қисми иштирок этади.

Кўкрак нафас - қовурғалар ўртасидаги мушаклар ёрдамида ҳосил бўлади. Бунда кўпроқ нафаснинг кўндаланг ҳажми ўзгаради. Диафрагма иштирокидаги нафас - кўкрак нафаснинг бўйлама ҳажмини ошиши ҳисобига



вужудга келади. Диафрагма - қовурғали нафас, диафрагманинг қисқариши қовурғалар оралиғидаги нафас мушаклари иштирокида вужудга келади.

Товуш – чиқарилаётган ҳаво ҳиққилдоқдан ўтиши пайтида овоз пардаларининг тебраниши натижасида вужудга келади. Товуш ўзининг кўйидаги хусусиятлари билан характерланади:

Товуш кучи - товуш аппарати органларининг фаол ишлашига боғлиқ. Чиқарилаётган ҳаво оқимининг товуш тарқалишига бўлган босими қанча катта бўлса, товуш ҳам шунча кучли бўлади.

Аммо, оддий нафас олгандаги ҳаво нутқ учун камлик қилади. Нутқ сўзлаётганда нафас чиқариш, нафас олишга қараганда анча чўзиқрок давом этади. Овоз нафас чиқарганда юзага келади. Диафрагмани, қорин мускулларини ва қовурғалараро мускулларни мустаҳкам қилувчи махсус машқлар мавжуд. Буларга етган жойда бурун орқали чуқур нафас олиш киради. Сиз ўпканинг кичик бўлакчалари нафасга тўлиб келаётганини, қорин мускулларининг таранглашаётганини ва пастки қовурғаларнинг кенгаяётганлигини сезасиз. Худди шундай машқни тик турган ҳолда бажаришга уриниб кўриш керак. Аммо, иложи борича ҳаво ўпканинг пастки қисмларида бўлиши зарур.

Овоз – томоқдан (ўпкадан) келаётган ҳавонинг овоз пайлари орқали ўтишида ҳосил бўлади ва оғиз бўшлиғи ёрдамида кучаяди. Овоз махсус машқ қилиниб турилмаса, баъзан йўқолиб кетади.

Овоз аппарати уч қисмдан иборат:

1. Генератор – овоз генерацияси овоз пайларида ҳосил бўлади, бунда оғиз бўшлиғининг роли кам. Овоз пайлари шовқин ва тонларни фарқлайди.

2. Резонатор тизими – бунда томоқ, ҳалқум, бурун бўшлиғи, оғиз бўшлиғи қатнашади ва улар овознинг кучини (статикасини) ва динамикасини таъминлайди.

3. Энергетика тизими - ўпкадан келаётган кучли нафаснинг миқдори ва тезлигини таъминлайди.

Педагогнинг нутқи учун авваламбор товушнинг кучи зарур. Бу ўпкадан келаётган нафаснинг кучига ва тезлигига боғлиқ.

Товушнинг юқорилиги – бу товушни узоққа етказа олиш ва юқори-пастлигини бошқара олишдир.

Товушнинг ҳаракатчанлиги ва ўзгарувчанлигини товушнинг мазмунига, шароитига, тингловчиларнинг кайфиятига қараб осон ўзгартира олиш мумкин. Ҳаракатчанлиги эса паст, ўрта, юқори типларга бўлинади.

Товуш парвози – товушнинг узоқ масофага узатилиши ва қаттиқлигини сошлаб олиш.

Товуш ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги уни мазмунга тингловчи мослаб ўзгартира олиш имкониятини билдиради.

Диапазон – товуш ҳажми бўлиб, унинг чегараси энг юқори ва қуйи оҳанг билан белгиланади. Диапазон қисқариши нутқнинг бир оҳангли бўлиб қолишига сабаб бўлади. Бир оҳангда гапириш ахборотни идрок қилишни сусайтиради, уйқуни келтиради.

Тембр – товуш рангдорлиги, ёрқинлиги ҳамда унинг ёқимлилиги ва алоҳидалигидир.

Дикция – аниқ талаффуз қилиш. Талаффузнинг аниқлиги ўқитувчи нутқининг талабалар томонидан тўғри тушунилишини таъминлайди.

Ритм – бу айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиши муддати ва тўхташ, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилишини билдиради. Ритм нутқнинг энг асосий қисмидир, чунки, нутқ оҳанги ва тўхташлар ҳам тингловчиларга беихтиёр ўзгача ҳиссий таъсир кўрсатади. Сўзлаётганда образга кириш, овозни керакли жойда пастлатиш, оҳиста гапириш ўқитувчи маҳоратига боғлиқ.

**2. Ўқитувчининг нутқ малакасини шакллантириш йўллари.** Онгли равишда овозни машқ қилдириш узоқ, мунтазам ва индивидуал давом этади. Кўп олимлар олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, паст овоз талабалар томонидан яхши идрок этилади. Паст овоз уларга юқори

овозга нисбатан ёқади. Юқори овоз талабаларни ҳам, ўқитувчининг ўзини ҳам тез чарчатиб қўяди. Ўқитувчи касб касалликларининг 40,2 фоизини овоз касалликлари ташкил этади. Овоз касаллигининг сабаблари: а) юқори овозда гапириш; б) овоз аппаратларидан тўғри фойдаланмаслик; в) овоз гигиенасига амал қилмаслик; г) овоз аппаратининг туғма камчиликларидир. Турли хил овоз касалликларининг олдини олиш мақсадида ишдан сўнг педагог 2-3 соат давомида кам ва секин гапириши керак. 3-4 соат дарс беришдан сўнг бир соат овоз аппаратларига дам бериш керак.

Ўқитувчилар асабийлашмаслиги, айниқса, овқат ейиш кун тартибига риоя қилишлари керак. Масалан: аччиқ, иссиқ, совуқ, спиртли ичимликлар ичиш, чекиш овоз пайдо бўлиш аъзоларининг қизаришига, яллиғланишига сабаб бўлиши мумкин.

Томоқни қуриб қолишдан сақлаш учун мутахассислар сода ва ёд эритмаси билан ҳалқумни чайқаб туришни тавсия этадилар. Қуйидаги маслаҳатлар ҳам ўқитувчиларга фойдали:

1) бир хил тонда гапириш овоз мускулларини чарчатиб қўяди. Агар ҳар хил, ифодали белгилар билан гапирилса, овоз аппаратлари соғлом бўлади;

2) бўр-мелнинг майда чанглари овоз пайлари учун жуда ҳам зарарли, доимо доскани ҳўл латта билан артиш керак;

3) дарс бергандан сўнг, агар ҳаво совуқ бўлса, тез юрмаслик керак. Чунки, совуқ ҳаво ҳалқумни яллиғлантиради.

Талабаларнинг ўқитувчи нутқини яхши идрок этишлари учун ўқитувчи товуш, сўзларни аниқ ва ифодали талаффуз қилиши керак. Товуш, бўғин ва сўзларни тўғри талаффуз қилишда овоз аппарати: лаблар, тил, тиш, жағлар, танглай, кичик тил, ҳалқум, овоз пайлари қатнашади. Нутқдаги органик камчиликларни жарроҳлик ва логопедик услублар билан бартараф этиш мумкин.

Ноорганик камчиликлар эса: тўнғиллаб гапириш, соқовланиш, дудукланиш, баъзи бир товушларни талаффуз эта олмаслик, бурунда гапириш, тез гапириш, чала гапириш.

Буларни бартараф этиш учун нутқ органлари ҳаракатини артикуляция гимнастикаси орқали машқ қилдириш тавсия этилади. Бу икки йўл билан амалга оширилади: а) нутқ аппаратларини машқ қилдириш, б) ҳар бир унли ва ундош товушларнинг тўғри артикуляциясини машқ қилиш.

Нутқнинг тезлиги, алоҳида бўғинларнинг ва сўзларнинг жаранглаши, шунингдек, нутқ ритмидаги паузаларга риоя қилиш нутқнинг ритмини ташкил этади. К.С.Станиславскийнинг таъкидлашича, интонация ва паузанинг ўзи, сўздан ҳам ортиқроқ эшитувчига ҳиссий таъсир этар экан. Нутқ тезлиги ўқитувчининг индивидуал хусусиятларига, нутқ мазмунига ва мулоқот вазиятига қараб ўзгаради.

Педагогик техникани эгаллашнинг асосий йўллари: ўқитувчи раҳбарлигидаги машғулотлар (педагогик техникани ўрганиш) ва мустақил ишлаш (касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш)дир.

Педагог малакаларининг индивидуал-шахсий тусда эканлигини ҳисобга олиб, педагогик техникани эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш, яъни талабанинг ўзида моҳир ўқитувчига хос шахсий фазилатларни ва касбий малакаларни шакллантиришга қаратилган фаолият етакчи рол ўйнайди, деб айтиш мумкин.

Ташкилий-методик жиҳатдан педагогик техника машғулотлари индивидуал, гуруҳ билан ёки кетма-кетликда ўтказилиши мумкин. Масалан, зарур билимлар маърузаларда ёки тегишли адабиётни мустақил ўқишда эгалланиши мумкин.

Автоматлаштиришга доир айрим оддий ҳаракатлар (тўғри артикуляция, фонацион нафас олиш усуллари, релаксация усуллари ва шу кабилар) кетма-кет кўрсатилиш мумкин.

Педагогик техника малакаларини шакилантиришнинг бошланғич даражасига қараб уни эгаллашнинг индивидуал дастури етишмайдиган малакаларни шакллантиришга қаратилган айрим машқларни ёки машқларнинг тўлиқ мажмуини ўз ичига олади.

Олий ўқув юртидаги касбий тайёргарлик жараёнида педагогик техникани эгаллаш ўқитувчига ўзининг касб йўналишининг бошланишидаёқ кўпгина хатоликларнинг олдини олишида, талабаларга таълим-тарбия беришнинг юксак самарадорлигига эришишида ёрдам беради.

**Нутқ қобилиятини ўстириш воситалари.** Матн ўқиш. Матнни баланд овозда ўқиш. Бунда вақти-вақти билан фараз қилинаётган аудиторияга нигоҳ ташлаб туриш. Бунда фаразий кўз қарашлар орқали эркин нутқ ҳиссига эришишга ҳаракат қилинган. Шу билан биргаликда матннинг кейинги сўзларини бир зумда олдиндан ўқиб хотирангизда сақлаш ва кейин талаффуз қилишга ўрганиш. Шунда нутқингизда узилиш бўлмайди.

Матн маъносини етказиб бериш. Матннинг иккитадан бешта гапгача бўлган қисмини ўқиб уни гапириб беринг. Бунда сўзма-сўз гапиришга ёки ўз сўзларингиз билан ифодалашга ҳаракат қилинган.

Фикр юритиш. Эркин нутққа кўп маротаба ўқиш ёки ёдлаш олиб келмайди. Аксинча бу мақсадга эришишга конспект ва таянч иборалар асосида нутқ тузиш ва фикр юритиш замин яратади.

“Фикр юритиш” иборасидан тафаккур ва нутқ ўртасидаги мустаҳкам боғланишни белгилаш учун фойдаланамиз. Бу дегани, фикрнинг асоси калит сўзлар қатори орқали ифодаланган. Битта фикрни калит сўзларга таянган ҳолда турлича шакллантириш мумкин.

Ҳикоя. Ўзингиз ёки бошқа кимдир билан содир бўлган воқеаларни гапириб беришда машқ қилинган.

Иш юзасидан ахборот бериш. Газета мақоласидан калит сўзлар мажмуасини тайёрланг ва “ўзингининг сўзларингиз”га ўгирган ҳолда унинг мазмунини ёритинг. Шундан сўнг мақолани биргина гапгача қисқартиринг, кейин эса ўз фикрларингизни қўшиш орқали уни кенгайтиринг.

Расмларни шарҳлаш, экспромт тарзда нутқ сўзлаш ҳам катта самара беради.

Нотик нуқтаи назарини ифодаловчи нутқ. Аниқ мавзуга (хобби, касбий мақсад ва ҳоказо) бағишланган 3 минутдан 5 минутгача бўлган ахборот тайёрланг. Унинг бошки қисмида калит сўзлардан фойдаланинг, охириги қисмини эса эркин тарзда шакллантиринг (нутқни ҳам овоз чиқариб, ҳам овозсиз такрорлаб кўринг). Мақолада берилган маълумотга ўз муносабатингизни аниқланг: шу фикрга қўшиласизми йўқми? Фикрингизни тасдиқловчи қўшимча маълумотлар келтиринг.

Нотиклар нутқини ўрганиш. Нотиклар чиқишларини кузатганда уларни икки нуқтаи назардан таҳлил қилинг:

- 1) нима дейилди?
- 2) қандай айтилди? (овоз кучи, баландлиги, урғу, темп, талаффузи, имо-ишора).

Нутқ таҳлили. Чоп этилган нутқ “жонли” нутқни айнан ифодалай олмайди, лекин кўп нарсага ўргатиши мумкин: тузилиши, композицияси, услуб ва бошқага.

Мунозаралар. Назарий тайёргарлик, машқларни мустақил бажарганингиздан сўнг олдин кичик, кейин эса каттароқ аудиториялар олдида нутқ сўзлашда машқ қилишингиз керак.

Нутқ. энди докладга ўца ҳам бўлади. Бунинг учун олдин ўзингиз пухта билган билимлар соҳасини танланг ва барча кўрсатмаларни ёдда тутган ҳолда нутқ сўзлашга ҳаракат қилинг.

### **Назорат саволлари**

1. Нутқ ҳақида тушунча.
2. Нутқнинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни.

3. Нутқ техникаси: нафас олиш, товуш, дикция, ритмика.
4. Ўқитувчининг нутқ малакасини шакллантириш йўллари.
5. Нутқ қобилиятини ўстириш воситалари.
6. Нотиклар нутқини ўрганиш.
7. Нутқ таҳлили.

### **Адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
2. Nurmanov A.T. Trening mashg'uloti – talabalar ritorik kompetensuyasini shakllantirish vositasi. // J.Pedagogika. – Т., 2015. - №3. – В.19-23.
3. Jabborova G.K. Akmeologik yondashuv asosida pedagog shaxsini shakllantirish. // J.Pedagogika. – Т., 2015. - №3. – В.44-47.
4. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2009.
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
7. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
8. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

**6-МАВЗУ. ЎҚИТУВЧИ МЕҲНАТИНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ. ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ЎЗ УСТИДА ИШЛАШ. ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАНИ ТЎПЛАШ РЕЖА:**

1. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этишнинг моҳияти.
2. Ўқитувчининг кун тартиби ва иш ўрни.
3. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш тамойиллари.
4. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишнинг асосий йўналишлари.
5. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш педагогик маҳоратнинг асосий шарти сифатида.
6. Илғор педагогик тажрибани ўрганишда материаллар тўплаш.

**Таянч тушунчалар:** педагогика, педагогик техника, мимика, пантомимика, ҳис-туйғу, имо-ишора, нутқ, нутқ маданияти, нутқ таҳлили, нутқнинг тезлиги, тембр, дикция, ритм, диапазон, товуш парвози, резонатор тизими, кўкрак нафас, юқори нафас.

**1. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этишнинг моҳияти.**  
Педагогик меҳнат – меҳнат турларидан бири бўлиб, унда ўқитувчи ва талабалар, моддий ва маънавий воситалар, меҳнат шарт-шароитлари фаол ўзаро ҳаракатда бўлади. Қачонки, педагогик фаолият фан ва амалиётнинг замонавий ютуқларига, меҳнат жараёнини ҳар томонлама методологик таҳлил этиш, барча омиллардан мажмуавий фойдаланишга асосланса, у ҳолда уни илмий ташкил этилган меҳнат деб аташ мумкин. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этишга педагогиканинг алоҳида соҳаси сифатида қаралади.

Ўқитувчи меҳнатининг муваффақияти ва самараси уни илмий жиҳатдан пухта ташкил этишга, меҳнатни оқилона уюштиришга таъсир этадиган шарт – шароитларга ва меҳнатни амалга ошириш йўллари тўғри белгилашга боғлиқ. Ўқитувчи меҳнати доимо ижодкорлик билан амалга оширилади. Шунинг учун меҳнатни амалга оширувчи ўқитувчи аввало ўз меҳнатини режалаштиришда, ўзи пухта эгаллаган педагогик маҳоратига ва ўз илмига таяниши лозим. Ҳозирги замон ахборот коммуникацион технологияларининг тараққиёти даврида ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш фан ва



техника ютуқларини ўқитувчи томонидан қай даражада ўзлаштирилишига ҳам боғлиқ.

Шу билан бирга ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш учун фанлар интеграциясини, педагогика ва психология фанларининг энг сўнгги ютуқларини мунтазам ўзлаштириб бориш шарт. Ушбу билимлар ахборот коммуникацион технологиялари, матбуот, илмий журналлар, илмий адабиётлар асосида ўзлаштирилади.

Ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил этишда вақтдан унумли фойдаланиш, ўзининг кенг имкониятларини ҳамيشа ҳисобга олиш, ўқув ва тарбия жараёнида ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш, вақтни бекорга ўтказишга йўл қўймаслик муваффақият гаровидир. Ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил этишда аввало:

- ўз ижодий имкониятларига ишониши;
- таълим муассасаларида олиб бориладиган таълим – тарбия жараёнини тўлиқ тасаввур эта олиши;
- ҳар бир тарбияланувчининг руҳий ҳолатини пухта билиши;
- ўз меҳнати механизмини, қонуниятларини, чекланган имкониятларини яхши англаши;
- таълим-тарбия жараёнида ахборот коммуникацион технологияларидан унумли фойдаланишни билиши шарт.

Ўқитувчи меҳнатини илмий жиҳатдан тўғри ташкил этиш бир мақсадга йўналтирилган ижтимоий–фойдали меҳнат бўлиб, у юқорида таъкидлаб ўтилганлардан ташқари, ақл ва диққатни, жисмоний кучни, шижоат ва ғайратни талаб этади.

Ўқитувчи меҳнатини илмий жиҳатдан тўғри ташкил этилиши уларни мустақил, эркин фаолият кўрсатишига, ўз фикр–мулоҳазаларини аниқ ва мукамал билдиришига, ҳар тамонлама шаклланган комил инсонни тарбиялашга, ўз касбини пухта ўзлаштирадиган етук мутахассис тайёрлашга замин яратади.

2. **Ўқитувчининг кун тартиби ва иш ўрни.** Педагогик меҳнатни илмий асосда тўғри ташкил этишда ўқитувчининг кун тартиби муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчи ўзи учун энг оптимал бўлган ва юқори самара берадиган кун тартибини танлай олиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, *ўқитувчининг кун тартиби* унинг фаолияти ва ҳаётини тартибга солувчи асосдир. У йўқ жойда меҳнат унуми ҳам паст бўлади, асаблар тез чарчайди, соғлиққа путур этади. Натижада ўқитувчи сарф қилган кучини қайта тиклай олмайди, меҳнат унумдорлиги пасаяди, иш қобилияти сусаяди, оқибатда таълим-тарбиянинг сифати йўқолади. Демак, илмий асосланган кун тартиби ўқитувчиларнинг ўз меҳнатини тўғри ва мукамал ташкил этиш вазифасини ҳал этишга қўйилган илк қадамдир десак муболаға бўлмайди. Педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил этиш шартларидан яна бири иш ўрнини тартибга солиш ва меҳнат шароитини ўз фаолиятига мослаштиришдир. Ўқитувчининг иш жойи яшаш жараёнининг бир қисми бўлиб, меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишига таъсир этади. Ўқитувчининг иш жойи, хусусияти, педагогик меҳнатнинг мазмуни ва хусусияти билан белгиланади.

Меҳнат шароити, кун тартиби комплекс тушунча. Унда ўқитувчининг меҳнат қилаётган жойи, аниқ вазиятлар эътиборга олиниб қуйидаги ***тамойиллар*** асосида такомиллаштирилиб борилади.

Педагогик меҳнатнинг самарадорлиги, мақсади ва фаолият вазифасига кўра аниқ бир йўналишни белгилаш ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил этишнинг биринчи тамойилидир.

Иккинчи тамойил мутахассисликка оид билимларни чуқур ўзлаштириб қизғин педагогик фаолият услубини белгилаш.

Учинчи тамойил педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил этишда ахборот ва компютер технологиялари воситаларидан самарали фойдаланишни мукамал билиш тушунилади. Бунда кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган педагогик технологиялар ҳам эътиборга олинади.

Тўртинчи тамойил таълим-тарбия бирлигини таъминлаган ҳолда педагогик фаолиятни режалаштириш. Ушбу тамойил режа асосида таълим-тарбиявий фаолиятни тартибга солиш, унинг моделини яратиш, таянч тизимларни топиш каби масалалардан ташкил топган.

Педагогик фаолиятни аниқ мақсадлар асосида режалаштирмасдан туриб шахсни ва жамоани тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлигини таъминлаш мумкин эмас, бу эса жамиятга ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий зарар келтиради. Педагогик меҳнатни назорат қилиш ва ҳисобга олиш ўқитувчи фаолиятини мунтазам кузатиб бориш ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, муҳимларини ажратиб олишни назарда тутди. Ҳисобга олишнинг энг мақбул йўли статистик ҳисобга олишдир. Педагогик назоратда обективлик, омилкорлик, самарадорлик, мунтазамлилик ва ошкоралик талаб қилади.

### **3. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш тамойиллари.**

Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш қонунларига қуйидагилар киради:

- 1) вақтни максимал равишда тежаш ва ундан самарали фойдаланиш;
- 2) ижобий меҳнат шароитлари ва дам олишни ташкил этиш этиш ҳамда самарали фойдаланиш;
- 3) меҳнат жараёни барча иштирокчиларининг саломатлиги ва ҳар томонлама ривожланиши ҳақида қайғуриш.

Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш тамойиллари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- 1) оптималлаштириш – талабаларнинг ўқув-тарбия ишлари учун ижобий шарт-шароитларни яратиш;
- 2) инсонпарварлик тамойили – педагог ва шгуначиларга салбий таъсир кўрсатувчи ҳодисаларни бартараф этиш;
- 3) естетизациялаш тамойили – ишчанлик қобилиятини оширувчи бадий унсурларни киритиш;
- 4) тежамкорлик – ўқув машғулотларини оқилона ташкил этиш;

5) индивидуаллаштириш тамойили – талабаларга табақалаштирилган тарзда ёндашув;

6) жамоавийлик тамойили – алоҳида ходим ва педагогик жамо меҳнатини уйғунлаштириш;

7) назарий ва амалий таълимни оптимал уйғунлаштириш тамойили – қисқа муддатда талабаларнинг чуқур ва мустақкам билим олишларини таъминлаш;

8) кадрларни оқилона танлаш, уларнинг малакасини тизимли тарзда ошириб бориш тамойили;

9) педагогик фанлар ривожини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини режалаштириш ва тизимли йўлга қўйиш.

**4. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишнинг асосий йўналишлари.** Ўқитувчи меҳнатини илмий жиҳатдан тўғри ташкил этилиши уларни мустақил, эркин фаолият кўрсатишига, ўз фикр–мулоҳазаларини аниқ ва мукамал билдиришига, ҳар томонлама шаклланган комил инсонни тарбиялашга, ўз касбини пухта ўзлаштирадиган етук мутахассис тайёрлашга замин яратади.

Ўқитувчи меҳнати илмий жиҳатдан тўғри ташкил этилишида талабалар билан олиб борилаётган фаолиятнинг қуйидаги йўналишларига эътибор бериш лозим:

- ўқитувчи ва талабаларнинг икки томонлама бир-бирига таъсири натижалари;

- ўқитувчининг талабалар жамоаси билан ишлай олиш қобилияти;

- синф жамоаси фаоллари билан олиб бориладиган педагогик фаолиятнинг ижобий натижалари.

Ўқитувчи меҳнатини илмий жиҳатдан тўғри ташкил этишнинг қуйидаги воситаларга эътибор бериш лозим.

Ўқитувчи меҳнатининг таълим-тарбиявий моҳияти ижобий натижалар бериши учун, ўқитувчи синф жамоаси билан ўтказилаётган ҳар қандай тадбирни белгиланган вақтда амалга ошириши, меҳнат ва дам олиш учун

ажратилган вақтдан унумли фойдалана олиши, ўз меҳнати фаолиятида соғлигига, руҳий ҳолатига эътибор бериши лозим.

Айниқса, ёш ўқитувчилар меҳнатини илмий асосда тўғри ташкил этишда қуйидаги бошланғич йўналишлар муҳим аҳамиятга эга:

***1 – йўналиш. Ўқитувчи касбига оид фаолият:***

- а) ўз ишига, мутахассислигига оид билимларни мукамал эгаллаш;
- б) мамлакатимиз Қонунлари, таълим соҳасига тааллуқли ҳужжатларни пухта билиши;
- в) педагогика, психология ва ўз мутахассислигига оид энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиб бориш;
- г) талабалар жамоаси ва ҳар бир шахс ҳақида маълумотларни ўрганиш;
- д) илғор ва тажрибали ўқитувчилар меҳнат фаолиятини ўрганиш ва ўз ишида тадбиқ этиш;
- е) ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини тарбиялаш.

***2-йўналиш. Ўз касбий маҳорат элементларини ҳосил қилиш:***

- а) педагогик фаолиятга оид, шахсий педагогик маҳоратни такомиллаштирувчи кўникма ва малакаларни эгаллаш;
- б) ўз меҳнатини ва қобилиятини меъёрида тўғри ишлата олиши;
- в) мутахассисликка оид маълумотлардан тўғри фойдалана олиши учун диққатни жамлай билиш.

***3-йўналиш. Талабалар гуруҳи билан ишлай олиш:***

- а) педагогик фаолиятнинг шарт-шароитлари ва гуруҳ жамоасидаги маънавий ҳолатни бошқара олиш;
- б) гуруҳ жамоасидаги психологик муҳитни доимий назорат қилиш;
- в) таълим-тарбиявий жараёнларга ижодий ёндашув;
- г) педагогик фаолиятга инсонпарварлик ва демократик принциплар асосида ёндашиш;
- д) талабалар хулқи ва билимини ўз вақтида рағбатлантириб бориш;
- е) жамоада шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишни тўғри ташкил этиш;

ж) талабаларнинг кундалик режимга тўғри ва доимий риоя қилишини ташкил этиш.

**5. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш педагогик маҳоратнинг асосий шарт сифатида.** Ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялаши учун, аввало ўзини атрофлича чуқур ўрганиши, ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларни кўра олиши керак. Ўз-ўзини ўрганиш ва бошқа кишини англаш учун ҳам зарурдир. Бошқаларнинг ютуқларни ўрганмай, ўзини бошқалар билан қиёс қилмай туриб, ўзини шахс сифатида ўрганиш мумкин эмас. Ўзини англаш, ўзини баҳолаш хусусияти бошқа кишилар билан муносабат жараёнида, биргаликдаги фаолият вақтида таркиб топади.

К.Д.Ушинский ўз-ўзини тарбиялаш орқали қуйидагиларга эришилишини таъкидлаб ўтган: 1) хотиржамлик; 2) сўзда ишонч ва туғриликка; 3) хатти-ҳаракатга мулоҳаза билан ёндашиш; 4) қатъийлик; 5) ўзи хақида сабабсиз бирор оғиз гапирмаслик; 6) лозим нарсалардангина фойдаланиш; 7) ҳар куни кечаси ўзига ўзи ҳисобот бериш. 8) бирор маротаба мақтанмаслик.

Ўз-ўзини тарбиялаш уўз фаолиятини таҳлил қилишдан ва ўз шахсини такомиллаштиришдан бошланади. Ўқитувчи ўз устида ишлаши, ўз-ўзини тарбиялашда қуйидаги усуллардан фойдаланади:

*Ўз-ўзини билиш* жараёни ўқитувчининг педагогик маҳорати доирасида маълумотларни қайд қилиш даражасида кечади, бунда рефлексиянинг пассив шакли устуворлик қилади. Ўқитувчи педагогик фаолиятида юзага келаётган турли қийинчиликлар ва муаммоларнинг сабабларини, эришилаётган ютуқлар ва натижаларни шунчаки қайд қилиб боради.

*Ўз – ўзини англаш* жараёни ўқитувчининг ўз фаолияти ва унда ўзига нисбатан «метапозиция» (ноаниқ позицияда)да туриб, ўзига ташқаридан қараш, ўзини кузатиш малакасини кўзда тутати. Бунда, интериоризация (ташқи омилларнинг ички омилларга ўтиши) ҳодисаси амалга ошади, касбий қийинчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари расмийлаштирилади;

фаолиятдан кўзланадиган асосий мақсад аниқланади, рефлексив – «МЕН» шаклланади. Бу ўқитувчининг долзарб ривожланиш зонаси билан боғлиқ.

*Ўз – ўзини аниқлаштириш* жараёнида бошланғич даража касбий эҳтиёжларни ҳисобга олиб белгиланади ва жадал имкониятлар асосида фаолият режалаштирилади. Стратегик, тактик ва тезкор вазифалар шакллантирилади. Ҳақиқий «МЕН» ва идеал «МЕН» нисбатланади. Бу ўқитувчининг энг яқин ривожланиш даражаси билан боғлиқ.

*Ўз – ўзини ривожлантириш* жараёнида ўқитувчининг касбий фаолияти давомида такомиллаштирилган педагогик маҳорати, рефлексияланган (яъни аввал фойдаланилган ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш натижасида тобора оптимал бўлиб чиққан методлар) ҳаракат усуллари ва методларининг ўсиши содир бўлади.

*Ўз – ўзини назорат қилиш* ўқитувчи педагогик фаолияти жараёнида назарий ва амалий тажрибалар асосида, ўз – ўзини касбий жиҳатдан назорат қилиб, педагогик маҳоратини янада такомиллаштириб боришнинг иккинчи шакли бошланишини назарда тутди.

## **6. Илғор педагогик тажрибани ўрганишда материаллар тўплаш.**

Педагогик фаолият ўз меҳнатига кўра ижодий тавсифга эга. Педагогик ижодкорликнинг асосий моҳияти педагогик фаолиятнинг мақсади ва характери билан аниқланади. Педагогик ижодкорлик мажмуи – педагогик тажрибадир.

Илғор педагогик тажриба деганда ўқитувчининг ўз педагогис вазифасига ижодий ёндашиши, талабаларга таълим-тарбия беришнинг янги шакл, метод ва воситаларини излаб топишдир.

Илғор педагогис тажрибани ўрганиш, унга асосланиб янги педагогис ходиса ва қонуниятларни очиш ўқув-тарбия жараёнига яхши сифатли ўзгаришлар киритади, талабаларнинг билиш фаолиятини бошқариш, янги турдаги ўқув жараёнини моделлаштириш муаммоларини ечишга сабаб бўлади.

Педагогик тажриба ўқитувчининг ўқув ишлари жараёнида эгаллайдиган билим, кўникма ва малакалари йиғиндисидир. Педагогик тажрибани тўплаш педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, у педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш омили ҳисобланади.

Педагогик тажрибани тўплаш тизими қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

1. Мақсадни белгилаш.
2. Маълумотларни тўплаш.
3. Маълумотларни таҳлил этиш, умумлаштириш, хулоса қилиш.
4. Ютуқларни аниқлаш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

### **Назорат саволлари**

1. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этишнинг моҳияти.
2. Ўқитувчининг кун тартиби ва иш ўрни.
3. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этиш тамойиллари.
4. Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишнинг асосий йўналишлари.
5. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш педагогик маҳоратнинг асосий шарт сифатида.
6. Илғор педагогик тажрибани ўрганишда материаллар тўплаш.
7. Ўқитувчи касбига оид фаолияти.
8. Ўз касбий маҳорат элементларини ҳосил қилиши.

### **Адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
2. Nurmanov A.T. Trening mashg'uloti – talabalar ritorik kompetensuyasini shakllantirish vositasi. // J.Pedagogika. – Т., 2015. - №3. – В.19-23.
3. Jabborova G.K. Akmeologik yondashuv asosida pedagog shaxsini shakllantirish. // J.Pedagogika. – Т., 2015. - №3. – В.44-47.
4. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2009.
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
7. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
8. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)



## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **Ўқитувчи фаолиятида педагогик такт**

Педагогик такт билан боғлиқ вазиятларни таҳлил этиш. Микроўқитиш: Талабаларнинг назорат ишлари ва бошқа турдаги ёзма ишларини таҳлил этишда баҳо мотивацияси. “Педагогик вазиятлар конкурси” ролли ўйини. Педагогнинг касбий ривожланиш акмеограммаси устида ишлаш.

### **Диққатни тўғри тақсимлаш ва кузатувчанлик**

Педагогик диққатнинг моҳияти ва мақсадга мувофиқлигини англаб олишга доир машқлар. Ўқитувчи диққатининг индивидуаллигини аниқлашга доир машқлар. Диққатни ривожлантиришга доир машқлар. Касбий диққат ва кузатувчанликни ўзлаштиришга доир машқлар.

### **Касбий-педагогик хаёлот**

Педагогик хаёлотнинг моҳияти ва мақсадга мувофиқлигини англаб олишга доир машқлар. Ўқитувчининг касбий хаёлотининг индивидуал ўзига хосликларини аниқлашга доир машқлар. Касбий-педагогик хаёлотни ривожлантиришга доир машқлар.

### **Ўқитувчининг ишонтиришга асосланган таъсир кўрсатиш маҳорати**

Ишонтиришга асосланган таъсир кўрсатишни таҳлил этишга доир малакаларни ривожлантиришга доир топшириқлар. Қайта тарбиялашга йўналтирилган ишонтиришга асосланган таъсир кўрсатишни таҳлил этиш ва ташкил этиш малакаларини ривожлантиришга доир топшириқлар. Микроўқитиш: Ишонтириш малакаларини ривожлантириш. Ўқитувчиларнинг нутқларидан парчалар тинглаш.

### **Педагогик мулоқот. Педагогик таъсир кўрсатиш усуллари**

Педагогик мулоқотни таҳлил этиш малакаларини ривожлантиришга доир машқлар: касбий-педагогик мулоқот функциялари ва услубларини таҳлил этиш; педагогик таъсир кўрсатиш усуллари таҳлил этиш. “Нуктаи назар” ролли ўйини.

### **Педагогик фаолиятда актёрлик ва режиссёрлик маҳорати**

Жамоавий ижодий фаолият малакаларини ривожлантиришга доир машқлар. Идрок этиш ва кузатувчанлик, дадиллик ва самимийликни ривожлантиришга доир машқлар. Микроўқитиш: Инсоннинг психологик ҳолатини кузатиш ва идрок этиш малакаларини ривожлантириш.

### **Ўз-ўзини йўналтириш техникасига асосланган ўқитувчининг ўзини-ўзи бошқариш маҳорати**

Тингловчиларни ўз кайфиятини бошқариш методлари ва техникалари билан таништириш. Мускуллар толиқишининг олдини олиш, релаксация

ҳолатида ўз-ўзини ишонтиришга доир машқлар. Кичик гуруҳларда ўз-ўзини ишонтириш дастури (ўқув лойиҳаси)ни тузиш.

### **Ўқитувчининг ташқи кўриниши маданияти**

Қоматни тик тутиш, гавда ҳолатини тутиш ва тўғри қадам ташлашни назорат қилиш ҳамда коррекциялашга доир машқлар. Микроўқитиш: Ўқув-тарбия жараёнига доир вазиятларда ташқи кўринишни намоён қилиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

### **Ўқитувчининг мимик ва пантомимик маҳорати**

Мулоқотнинг новербал воситалари ёрдамида ўз муносабатини педагогик мақсадга мувофиқ ифода этиш малакаларини ривожлантиришга доир машқлар. Моделлаштириш. Ички монолог.

### **Нутқ техникаси асослари: нафас олиш ва овоз.**

Фонацион нафас олишни ривожлантиришга доир машқлар. Овозни ривожлантиришга доир машқлар. Микроўқитиш.

### **Нутқ техникаси асослари: дикция**

Фонацион нафас олиш ва овозни ривожлантиришга доир машқларни такрорлаш. Дикция устида ишлаш. Микроўқитиш: “Сизга бир воқеани айтиб бераман...”.